# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1996 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА • ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

11 октябр, № 41 (3378)


## ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Яқинда ишдан қайтаётсам, бир киши ён қўшнимнинг эшигини тақиллатиб турибди. Эътибор бермай ўтиб кетдим. Бир оздан сўнг ҳалиги киши эшикни тепа бошлади. Табиийки, энди жим туриб бўлмасди. Олдига бориб нима қилаётганини сўрадим.

— Эшикни бузаман, — деди нотаниш киши.

— Нега?

— Уйнинг эгалари ичкарида ўтиришибди. Менинг келганимни билиб атайин очишмаяпти.

Ҳайрон бўлиб қолдим. Буни сезган нотаниш киши воқеани менга тушунтира бошлади.

Маълум бўлишича, қўшним бу кишидан анчагина доллар қарз олган. Агар қарзни вақтида тўлай олмасам, машинамни оласан, деб ваъда берган экан. Келишилган муддатдан бир ой ўтиб кетибди. Аммо қўшним қарзни ҳали ҳам қайтармабди.

— Келсам доимо эшикни очишмайди. Туриб-туриб қайтиб кетаман. Ахир, инсон бардошининг ҳам чегараси бор-ку, — деди ҳалиги киши куюниб. — Мен унга одамгарчилик қилиб қарз бергандим, у бўлса қочиб юрибди. Эшигини очса-очди, очмаса пастда турган машинасининг эшигини бузиб миниб кетавераман.

— Қарз берганингиз тўғрисида биронта ҳужжатингиз борми? — дедим қизиқиб.

— Йўқ. Воҳид (қўшнимнинг исми шундай) яқин танишим. Унга ҳам ҳужжат орқали қарз берсам уят бўлади-ку, ахир.

Нотаниш киши ўша куни бари бир қарзини олмади. Пастда турган машинанинг эшигини ҳам бузмади. Аммо важоҳатидан кўриниб турибдики, кейинги келганда ҳам пулини ололмаса айтган ишини қилади.

Бу воқеа нимани кўрсатади? Кўпчилик одамларимизнинг ҳуқуқий билимлардан мутлақо бехабарлигини. Ҳеч бўлмаганда ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини билмаслигини. Агар ўша киши қўшнимга берган қарзини нотариал идора орқали расмийлаштирганда ҳар куни бировнинг эшиги олдида сарғайиб ўтирмас, қарзни суд орқали бемалол ундириб олиши мумкин эди. Энди у қарзини ундираман деб жиноятга қўл урмоқчи, бировнинг машинаси эшигини бузиб миниб кетмоқчи. Наҳотки, қилаётган иши жиноят эканлигини тушунмаса, бунинг оқибати ёмон бўлишини билмаса... Афсуски, кўпчилик буни билмайди...

Биз ҳуқуқий давлат қураяпмиз. Ҳуқуқий давлатда фақат қонун устивор бўлиши керак. Қонун олдида ҳамма — шоҳ ҳам, гадо ҳам тенг. Қаердаки, қонун ишламайди, ўша ерда зўрлик, порахўрлик, ўзибўларчилик авжига чиқади. Сўнгги беш йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан юзлаб қонунлар қабул қилинди. Аммо шу қонунлар ишлаяптими? Бу қонунларни аҳолига тушунтириш қандай кетаяпти? Халқимизнинг ҳуқуқий билим даражаси қандай? Афсуски, бу саволларга бугун тўла ижобий жавоб бериш қийин.

Ўз ҳуқуқини билмаган халқ мутеъликка маҳкумдир. Ўзини ҳимоя қилолмаган одамни ҳамма туртиб ўтаверади. Бунга мисолни узоқдан излаб юриш шарт эмас. Шўролар даврида биз мутеъ бўлиб яшадик. Мамлакатда мутлақо қонун ишламасди. Кремлда ўтирганлар ҳар қандай қонундан зўр эди. Шунинг учун ура-урачилик, чапакбозлик, «бир овоздан қабул қилиниш»лар авжига чиққан эди. Конституцияда ажралиб чиқиш ҳуқуқи ёзиб қўйилган бўлса-да Москва чизган чизиқдан бир сантиметр ҳам чиқиш мумкин эмасди. Империя бизни қўрқитиб, ҳуқуқларимизни тортиб олганди. Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги фанлар мактаблар у ёқда турсин, олий ўқув юртларида ҳам мутлақо ўргатилмасди. Ёппасига ҳуқуқий бесавод бўлганимиз учун ўзимизга қарши қонунларни ҳам «бир овоздан» қабул қилавердик.

Биз Америкага, Европа мамлакатларига ҳавас қиламиз. У ердаги инсон учун яратилган шароит бизда ҳам тезроқ бўлишини истаймиз. Шундай экан, улар бунга қандай эришгани билан қизиқиб кўрайлик. Ривожланган мамлакатларнинг барчасида одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб етган. Шофёр бугун ёмон ишласа, эртага ишсиз қолишини билади. Биздагидек ўртага тоғаси ёки амакиси тушиб олиб қололмайди. Агар хўжайин шофёрнинг амакиси ёки тоғасининг илтимосини бажарса, эртага ўзи ишдан кетишга мажбур. Чунки бу қонун. Уни четлаб ўтиб бўлмайди.

Мен ҳар куни троллейбусда ишга келаман. Сим узилмаган ёки троллейбус бузилмаган кун йўқ. Йўлларнинг сифати ўзингизга маълум. Хуллас, йўл учун салкам икки соат қимматли вақтимни сарфлайман. Ривожланган мамлакатларда бундай вазиятларда аввало симни ишлаб чиқарган корхона, қолаверса, троллейбус линиясини, йўлни қурган ташкилотлар йўловчига товон тўлайди. Шунинг учун ҳам у мамлакатларда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шунинг учун ҳам уларнинг моллари дунё бозорини эгаллаган. Аслида, бизда ҳам сифатсиз маҳсулот учун товон тўланиши керак, лекин ҳеч ким буни талаб қилмайди. Чунки одамларимиз ўз ҳуқуқларини билмайди.

Маъмурий идораларнинг ҳисоботига назар солсангиз, ҳар куни юзлаб қонунбузарликлар содир этилаётганининг гувоҳи бўласиз. Бунинг бош сабабчиси ҳам бизнинг ҳуқуқий бесаводлигимиздир. Баъзан, ишимизни битириш учун шу ишни қилишга масъул бўлган идора бошлиғига пора олиб бориб берамиз. Чунки ўша идора бошлиғи бизнинг ҳуқуқни билмаслигимиздан фойдаланиб, ишимизни пайсалга солади, пора бермасак битирмайди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, мактабларимизда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Ўқув дастурлари, миллий анъаналар ва дунёвий билимлар асосида қайтадан яратилди. Кўплаб янги фанлар пайдо бўлди. Аммо ҳуқуқий билимни ўргатадиган фанлар ҳали ҳам талаб даражасида эмас. Юқори синфларда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанини ҳисобга олмаганда, бошқа ҳуқуқий сабоқ фани йўқ. Ўқувчи мактабни битирганда ҳеч бўлмаса Ўзбекистон Конституцияси ва Фуқаролик Кодексини ўрганган бўлиши керак. Бунинг учун эса мактаб дастурларини яна бир бор кўриб чиқиш лозимга ўхшайди. Шунингдек, Олий ўқув юртларида ҳам ҳуқуқий фанларни мажбурий дарс сифатида дастурга киритиш вақти етди. Бундан ташқари, радио, телевидение, газета ва журналларда ҳам ҳуқуқий мавзудаги чиқишларни кўпайтириш, жойларда кўплаб ҳуқуқий маслаҳатхоналар очиш лозим.

Президентимиз Ислом Каримов республика ривожланишининг йўналишларини белгилар экан, қонун устиворлигини алоҳида таъкидлайди. Чунки мукаммал қонунларсиз ва халқни бу қонунлардан хабардор қилмай туриб, буюк келажакни яратиб бўлмайди.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА

Кейинги пайтларда пойтахтимиз Тошкентда нуфузли халқаро ташкилотлар иштирокида демократия ва инсон ҳуқуқларига доир қатор анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Шулардан бири — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти — ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича бюроси, республика Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси ҳамда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамкорлигида ўтказилган «Оммавий ахборот воситалари демократиялаштириш шароитида» мавзуидаги давра суҳбати кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Давра суҳбати қатнашчилари икки кун давомида «Давлат сиёсати ва оммавий ахборот воситалари» (қиёсий таҳлил), «Журналистнинг ҳуқуқ ва бурчлари. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг амалий жиҳатлари», «Хабардорлик — бош демократик принцип», «Демократлаштириш шароитида оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик фикри» каби мавзуларда эркин фикр алмашдилар.

ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлари бўйича бюроси директори элчи Одри Гловер, ЕХҲТнинг Марказий Осиёдаги алоқалар бўйича бюроси бошлиғи элчи Алоиз Резник, Австрия Халқаро Матбуот институти директори Фриц Жоан, Либерал стратегиялар маркази (Болгария) вакили доктор Деян Киуранов, профессор Л. Левитин (Германия) ва ЕХҲТнинг бошқа вакиллари юқоридаги мавзулар бўйича Европа мамлакатларида тўпланган тажрибалар, жамият тараққиётида матбуотнинг тутган ўрни, журналист сўзининг масъулияти тўғрисида сўзлаб бердилар. Хусусан, жаноб Фриц Жоан ҳар бир давлат ўзига хос тараққиёт йўлини мустақил танлагани каби, матбуот ҳам конкрет замон ва маконда ана шу йўлдан келиб чиққан ҳолда ўз йўналишини, мақсад ва вазифаларини белгилайди, деб таъкидлади.

Суҳбат чоғида оммавий ахборот воситаларининг бугунги объектив шароитлардаги масъулиятига алоҳида эътибор берилди. Матбуот, токи у жамоатчилик фикрининг юзага келиши ва шаклланишида муҳим аҳамият касб этар экан, ўз сўзи қай мақсадларга хизмат қилишини, жамоатчиликка қандай таъсир кўрсатишини ҳамиша эътиборда тутмоғи керак. Бундай масъулият унутилган жойларда тинчлик, тотувликка путур етиши мумкин. Бунга сўнгги йилларда Европада, хусусан собиқ иттифоқ ҳудудларида рўй берган қатор қонли можароларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Мамлакатимиз парламенти вакиллари, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг илмий ходимлари, республика газета-журналларининг бош муҳаррирлари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси мутасаддилари меҳмонларга муҳокама этилаётган мавзулар юзасидан мамлакатимизда амалга ошираётган ишлар, ижодий ўзгаришлар хусусида батафсил сўзлаб бердилар. Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситалари фаолиятига эътибор кескин ошгани, улар фаолиятини янада жонлантириш, матбуот саҳифаларида фикр эркинлиги ва хилма-хиллигига эришиш йўлида конкрет режалар белгиланаётгани меҳмонлар эътиборини ўзига қаратди. Бу — тасодифий ҳол эмас, аксинча жамиятимиз тараққиётининг бугунги даражасидан келиб чиқадиган мантиқий заруратдир. Биз ўтиш даврининг энг мураккаб босқичларидан тинч-омон ўтиб олдик. Мамлакат иқтисоди барқарорлашди, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Энди тамомила янгидан барпо этаётган қонунлари устивор жамиятимиз деворларини демократик тамойиллар билан безашнинг ҳам навбати етди.

ЕХҲТ вакиллари мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқига алоҳида эътибор бердилар. Жаноб Алоиз Резник Ўзбекистонда вақтли матбуотни «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтариш вазифаси қўйилганлиги, хусусан «Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди» ташкил этилганлигини юксак баҳолади. Давра суҳбати ташкилотчиларида янги жамғарманинг мақсадлари катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан Жамғарма раҳбарияти янги ташкилотнинг фаолияти, турдош халқаро ташкилотлар, жамғармалар билан алоқалар ўрнатиш режалари тўғрисида меҳмонларга батафсил сўзлаб беришди.

**Ўз ахборотимиз**

## РАССОМЛАР АРМУҒОНИ



Амир Темур номи таъқиқланган пайтларда Шаҳрисабз шоҳбекатида Амир Темур сурати осиғлик турар эди. Автобуслар жўнатилишини кутаётган йўловчилар уни соатлаб томоша қилишарди. У Қарши, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термизга отланган йўловчиларни кузатарди, кутиб оларди. Тошкентда ўқиётган талабалар — сабоқдошларим Амир Темурни кўргани Шаҳрисабзга борар эдилар. Биз учун у ягона эди.

Аслида Амир Темур суратини ишлаш XV асрдаёқ бошланганини, кейин унга Оврупода олтин ҳайкал қўйилгани, машҳур мусаввирлар Амир Темур қиёфасини жуда кўп тасвирлашганини биздан яширишар эди. Негадир 90-йилларда шоҳбекатда Амир Темур кўринмай қолди. Бўм-бўш деворларга умидвор термуламан. Қаёққа кетди экан? Охирги марта Шаҳрисабзга борганимда Шоҳбекат бошлиғи Абдумажид ака Шукуровга ана шу савол билан мурожаат этдим. Амир Темур сурати қачон, ким томонидан ишланган? У ҳозир қаерда?

— Суратни А. А. Мелников 1976 йилда ишлаган ва Шоҳбекатга совға қилган. 1991 йилнинг 12 февралида 24-Шаҳрисабз автобазаси маданият саройига олиб кетишди.

— Уни кўришим керак, илтимос, ёрдам беринг.

— Ҳозир бандман. Икки-уч кундан сўнг келинг.

Белгиланган кунда учрашдик... Мана, ўша сурат. Чап томонда Сарой, икки навкар қўриқлаётган дарвоза. Ўнг томонда минора, гумбаз. Ҳозиргина олис сафардан қайтган туялар карвони. Турли ўлкалардан келган элчилар, савдогарлар. Келтирилган моллар, дуру жавоҳирлар таъзим ила инъом этилмоқда. Олдда мармар ҳовуз. Сувда мовий гумбаз, элчилар, момиқ-момиқ оқ булутли осмонлар акси. Ўртада Амир Темурнинг тахт ёнида тик турган ҳолати. Мулозимлар, навкарбошилар, амиру умаролар. Ҳалойиқ. Чеккада қалъа пойдеворига ўтирган чол, ёнида набираси — бошига қизил дўппи, эгнига кўк олача тўн кийган болакай — бошини баланд тутиб, қўлларини осмонга кўтариб Амир Темурни олқишлаётган ҳайрат, ҳаяжон...

Орқа планда — Амир Темур орқасида дарахтларнинг учи, очиқ осмон. Амир Темур юксакка кўтарилиб тасвирланган. Тасвирда Амир Темур салтанатининг шон-шарафи, довруғи буюклиги ифодаланган. Картинадаги деталлар — ер, сув ва осмон ўзларига эгалик қилган жаҳонгирлик, соҳибқиронлик қисматини умумлаштиради. Кийим-кечаклар, нарсалар тасвири ва ранглар асар муаллифининг маҳоратидан дарак беради.

Ушбу асар мамлакатимиз тасвирий санъатида Амир Темур мавзуининг дастлабки намуналаридан бири эди...

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан бу мавзу рассомларимизнинг асосий мавзуига — Ватан, халқ, миллий ғурур рамзига айланди.

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Рассомларининг кўргазмалар саройида буюк бобокалонимизнинг шарафли тўйига бағишланган асарлар кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган асарлар ранг-баранг ва каттакон галереяни ташкил қилади. Асарларнинг барчасида миллий руҳ, миллий ғурур устивор. Унда элимизнинг машҳур мусаввирларидан тортиб, ёш, истеъдодли рассомларгача иштирок этишган. Уларни Амир Темур руҳига садоқат, шонли ўтмишимизга ва келажагимизга имон келтириш, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат йўлидаги фидоийлик меҳнати бирлаштирган. Бу — катта меҳнат. Амир Темурнинг 660 йиллик тўйига муносиб тўёнадир.

Ушбу бир бутун тўёнанинг ичида Малик Набиев, Акмал Икромжонов, Жавлон Умарбеков, Неъмат Қўзибоев, Азиза Маматова каби моҳир рассомларнинг ҳамда Алишер Алиқулов, Темур Саъдуллаев сингари ёш истеъдодларнинг туҳфалари алоҳида ажралиб туради.

Агар ушбу ноёб санъатдан баҳраманд бўлишни истасангиз кўргазмалар саройига боринг. У ерда сўзларимнинг муболаға эмаслигига ишонасиз.

**Рустам МУСУРМОНОВ**




ОЙДАЙ БЕДОР ЮРАК — 3-бет

7-бет — ВИКТОР ГЮГОНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ХУШТОРИ

«ТАБАССУМ» ЧОЙХОНАМИЗ МЕҲМОНИ — 8-БЕТ


## ОБУНА БЎЛИШ РОҲАТИ

Ўзингиз севиб ўқийдиган, неча йиллардан буён ҳамкору ҳамфикр бўлиб келаётган газета ёки журналга обуна бўлганга нима етсин. Бировдан сўраб, излаб-ахтариб сарсон бўлмайсиз. «Фалон сонини кўрмай қолувдим, бир дона топишнинг иложи борми?», дея сарғаймайсиз ҳам. Воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида хабардор бўлиш, зарур мақолаларни биринчи бўлиб ўқиб чиқиш, таассуротларни бошқалар билан ўртоқлашиш нақадар жозибали.

Айни кунларда бошқа нашрлар қатори «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига ҳам 1997 йил учун обуна республикамизнинг ҳамма жойида давом этмоқда. Маданиятимиз, тарихимиз, миллий ва маънавий қадриятларимиз жонкуярлари, фидойи зиёлилар, биз билан узоқ йиллардан бери ижодий ҳамкорлик қилиб келаётган муштарийларимиз билан келгуси йилда ҳам амалий мулоқотларимиз давом этади, деган умиддамиз.

Ушбу сатрлар қоғозга тушаётганида Қўқондан хушхабар келди. Гўзал водийнинг бу шаҳрида бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Роҳат» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси номидан таҳририятимизга шошилинчнома йўллаган жамоа раҳбари Нуруллахон ҳожи Абдуллаев шундай дейдилар:

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» истиқлолни мустаҳкамлаш, халқимизнинг маънавий қаддини тиклаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган нашрлардан бири. Ҳафталикни узоқ йиллардан бери севиб мутолаа қиламиз. Ҳозир шаҳримизда жуда кўплар бу газетага уюшқоқлик билан обуна бўлмоқдалар. Бу ишдан биз ҳам четда қолмаймиз ва «Адабиёт ва санъат»нинг 1997 йилги обуна ташкилотчиларига, редакциянинг жонкуяр, фидойи қаламкашларига «Роҳат» фирмасининг махсус мукофотларини таъсис этамиз...».**

**Ҳимматингизга балли, «Роҳат»чилар!**
**«РОҲАТ»ДАН ХАРИД ҚИЛИШ — РОҲАТИЖОН ИШ, БУГУН ЭСА, ЭНГ МУҲИМИ — ОБУНА БЎЛИШ!**

## ҚЎШАЛОҚ ТЎЁНА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Сайланма» китобини чоп этди. Йигирма олти босма табоқдан иборат ушбу катта китобнинг нашр этилиши ҳозирги замон ўзбек шеъриятида, ҳозирги адабий жараёнда рўй берган қувончли воқеадир. «Сайланма» асарлар нашри ҳар бир ёзувчи фаолиятида, адабиётда муҳим босқич ҳисобланади. Боболаримиздан қолган анъаналарга таққосласак, шеършунослар таъбири билан айтсак, ҳозирги замонда «Сайланма» нашр этган шоир эски замонда девон тартиб берган, куллиёт тузган шоир билан тенг.

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов «Сайланма»си бугунги китобатчилик удумларидан бошқачароқ тартибда. Шоирнинг турли йилларда битган шеърлари мавзуига, хусусиятлари ва характерига кўра муайян туркумларга бирлаштирилган. Ҳар бир туркум, жузъий бўлса-да, бир-биридан фарқ қилади. Шеърлар остига қачон ёзилганини кўрсатувчи саналар қўйилмаган. Бу тартиб берувчи муҳаррир ваноширлар шаъма этишган маънони — бадиий асар умри вақт ва замон билан ўлчанмайди, чегараланмайди. Ҳақиқий санъат асари ҳамма вақт бирдай қимматли ва бебаҳодир, деган мазмунни ифодалайди.

Мен бу тартибни «Девон»нинг алифбо тартибига қиёсладим. Унда ҳам шоирнинг турли йилларда битилган шеърлари девон талаби билан бир тартибга келтирилади, бир жойга йиғилади. Яна...




Абдулла Орипов «Сайланма»сининг «Она сайёра» деб аталган дебочаси, янги шеърлардан тузилган. Шоирнинг бугунги ҳасби ҳоли, «Ҳаж дафтари», «Ҳикмат садолари» сингари ҳамду наътлари, муножотлари бор, «Она була қолгин менга, табиат», «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Дилдаги оҳим менинг», «Шундай яшар одатда одам», «Бул асл бўстон», «Сен ҳам ошиқмисан», «Ҳангомалар» дея номланган мустақил бўлимлари мавжуд. «Сайланма»га шоирнинг «Жаннатга йўл» драматик достони ҳам киритилган.

Китобнинг сифати яхши. Қоғози аъло. Муқовасининг ички ва ташқи бетларига гўзал ва оригинал ранг-тасвирлар ишланган, бўлимларининг дастлабки саҳифалари мазмундор суратлар ва шоҳбайтлар билан безатилган. Мусаввир Н. Ҳакимов. Тартиб берувчи — марҳум Чори Аваз. (Бундан китоб анча илгари нашрга тайёрлангани сезилади). Муҳаррирлар — Ҳ. Султонова, Б. Эшпўлатов. Адади ўн беш минг дона.




Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида шоирнинг яна бир китоби босмадан чиқди. Бу кўпчилик томошабинларга саҳна орқали яхши таниш бўлган «Соҳибқирон» шеърий драмасидир. Энди кенг китобхонлар оммаси ҳам ушбу шеърий драма матнини ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Асарнинг саҳна ва китоб вариантлари жузъий маънода бўлса-да, бир-биридан фарқ қилиши табиий. Зеро, ҳаракат бошқа, ёзув, матн, шеър бошқа. Мутоала жараёнида ўқувчилар «Соҳибқирон»дан шеърий асар сифатида маънавий озуқа оладилар. Ҳар ким ўзининг онгу шуури, ҳис-туйғуси, таъби-диди даражасига кўра асарнинг бадиий сифатларини таҳлил этади.

Асарда:

**Бироқ ерга тўкилар пайт қурт тушган мева**
**Уни асраб қололмагай соғлом илдиз ҳам.** —

каби шоҳбайтлар, пурҳикмат сатрлар талайгина. Хуллас, асарнинг моҳиятини, унга сингдирилган ғояларни англаш ва ўйлаш шеърият ихлосмандлари ҳукмига ҳавола. Ҳар ҳолда, шеърий драманинг Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик юбилейи арафасида чоп этилганлиги катта аҳамиятга эгадир.

**М. РАВШАН**

## ГАЗЕТА ҚИЗИҚАРЛИ БЎЛСА, АЛБАТТА ЎҚИЛАДИ

Акс садо

Севимли ҳафталигимизда «Очиқчасига гаплашайлик» сарлавҳали мақолани эътибор билан ўқиб чиқдим. «Матбуот нега зерикарли», «Журналист нега суст?», «Танқидни ким қандай тушунади?» сўроқ-саволларга мен ҳам баҳоли қудрат жавоб топишга ҳаракат қилдим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, масала жуда тўғри ва аниқ кўтарилган. Мен 40 йилдан буён газета, журналлар ўқийман. Кейинги вақтларда баъзи одамлар газета-журнал ўқишдан йироқлаб кетишгани рост. Менга таниш-билишларим «Ҳали ҳам газеталардаги сийқаси чиққан гапларни ўқиб юрибсизми?», деб кўп таъна қилишади. Киоскаларда айрим газеталар сотилмай ётади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Қишлоқ ҳаёти», «Маърифат» сингари газеталар эса бизгача умуман етиб келмайди.

Ҳозир янги-янги газеталар жуда кўпайиб кетди. Аммо уларни халқ яхши билмайди.

Ҳурматли муҳаррир! Сиз ўз мақолангизда «Фикр тараққиётга хизмат қилмас экан, у шунчаки, қуруқ ахборотга ёки баёнга айланиб қолаверади», дебсиз. Бу фикрингизга тўлиқ қўшиламан. Чунки газеталарда чиқаётган кўплаб мақолаларда аҳвол айни шундай.

Танқидий материаллар доимий эмас, фақат кампания даврида бир-икки марта чиқиб қолади. Сабабики, ҳурматли Президентимиз йиғилиш қилиб журналистларни бир қўзғаб қўйишлари керак! Бошқа пайтда кўпчилик мухбирлар қуруқ мақтовга берилиб кетадилар.

Айни шундай даврда ютуқ ва камчиликларга кўз-қулоқ бўлиб, халқ ичида юрадиган куюнчак ишчи-деҳқон мухбирлари эса умуман тилдан қолишади.

Ориф Юнус, Усмон Юсупов, Худойберди Тўхтабоев каби ўткир қаламли фелетончилар сўнгги йилларда туғилмаётгандай... Халқ ҳақига хиёнат қилувчи, порахўр, юлғичлар, башарасини фош қиладиган фақатгина «Шаҳар бедарвоза эмас» телекўрсатуви қолди. У ҳам илгаригиларидай жонли эмас!

Газеталаримиз сифатли, кўринишли, материаллари қизиқарли, танқидий материаллар ҳаққоний, халққа яқин, тили содда, равон бўлса, улар ўқилмай қолмайди ва албатта ўз газетхонини топади.

**Пардабой БУХОРОВ,**
**нафақадаги ўқитувчи**
**Косонсой шаҳри**

Ғулом КАРИМ

# СОҲИБҚИРОННИНГ АЛЛОМАГА МАКТУБИ




Амир Темур замонасида яшаган ва Соҳибқирон билан яқин муносабатда бўлган буюк алломалардан бири мавлоно Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазонийдир. Олим ҳижрий 722 (1322) йили ҳозирги Туркманистон ҳудудидаги Нисо шаҳри яқинидаги Тафтазон қишлоғида туғилди. Унинг илмий фаолияти манбалардаги маълумотларга кўра, жуда эрта, яъни ўн олти ёшларида бошланиб, тез орада бутун ислом дунёсига машҳур олим сифатида танилади. Тафтазонийнинг тафсир, фиқҳ, мантиқ ва илмнинг бошқа соҳаларига оид кўплаб дурдона асарлари ўз замонасидаёқ жаҳон бўйлаб кенг тарқалиб, Марказий Осиёдан анча узоқ ҳудудларда ҳам маълум ва машҳур бўлган. Ўша даврда яшаб ўтган мағриблик улуғ олим Ибн Халдун ўз замондоши Тафтазоний ҳақида шундай деб ёзади: Мовароуннаҳрдан чиққан қуёш нурлари араб мамлакатлари ва Андалус (Испания)гача етиб келмоқда.

Дарҳақиқат, мўғуллар истилосидан сўнг ҳали исломшуносликда Тафтазоний даражасидаги олим пайдо бўлмаган эди. Турон истиқлолга юз тутиб, юксалиш даврига қадам қўяётган даврда, унинг заминида шундай буюк олимнинг етишиб чиққани диққатга сазовордир. Алломанинг араб ва форс тилларида битилган асарларидан кўплари қўлёзма ҳолида бизнинг давримизгача етиб келган ва жаҳоннинг турли мамлакатларидаги кутубхоналарида сақланмоқда. У қолдирган улкан маънавий меросни илмий тадқиқ этиш ва ўз ватанида оммалаштириш йўлидаги қилинган ишлар ҳозирча жуда оздир.

Амир Темурга замондош бўлган муаррихлар томонидан Соҳибқирон тарихига бағишлаб яратилган асарларнинг баъзиларида Тафтазоний ҳақида ҳам қисқача маълумот берилган. Масалан, ибн Арабшоҳ ўз китобида «Темурнинг муҳаққиқ олимларидан мавлоно Саъдуддин ат-Тафтазоний бўлиб, у 791 йилнинг муҳаррам (1389 йил, январ) ойида Самарқандда вафот этди», — деб ёзади. Бошқа бир тарихчи Фасиҳ Хавофий «Мужмали Фасиҳий» асарида 787 (1385-1386) йил воқеалари баёнида Саъдуддин Тафтазоний ҳақида ёзади ва Ибн Арабшоҳдан фарқли равишда унинг шу йили вафот қилганини айтади. Фасиҳ Хавофий, шунингдек, алломанинг айрим асарлари, уларнинг ёзилган йиллари ва жойлари ҳақида маълумот беради. Масалан, у «Шарҳ ат-тасриф» 768 (1337) йили Фарюмандда, «Шарҳ ал-Кабир» 748 (1347) йили Ҳиротда, «Шарҳ ас-Сағир» 756 (1355) йили Ғиждувонда, «Шарҳ ал-Ақоид» 768 (1366) йили Хоразмда ва «Мақосид ва шарҳи Мақосид» 784 (1382) йили Самарқандда ёзилгани ва ҳоказоларни маълум қилади.

Соҳибқиронга замондош бўлган муаррихларнинг бошқа бизга маълум бўлган асарларида Тафтазоний ҳақида маълумот учратмадик. Аммо темурийлар даври тарихчиларидан Абдураззоқ Самарқандий ва Хондамир ўз асарларининг Амир Темур даврига оид қисмларида Саъдуддин Тафтазоний ҳақида бир қадар муфассалроқ маълумот беришган. Яна шуниси диққатга сазоворки, бу иккала муаллиф Соҳибқирон ва алломанинг ўзаро муносабатларига ҳам қисман тўхталиб ўтишган. Хондамир ўзининг уч жилддан иборат энг йирик асари, яъни «Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афрод ул-башар» («Башар зоти хабарларида дўстнинг таржимаи ҳоли») китобининг учинчи жилди учинчи қисмида Соҳибқирон Амир Темур давлатининг сиёсий тақризи баёнини тугатгач, унга «Яхши хислатли Соҳибқирон замонида яшаган баъзи сайидлар, машойихлар, олимлар ва акобирлар зикри» деган ниҳоятда қимматли бир бобни илова қилган. Мазкур боб Амир Темур давлатининг маънавий ҳаёти ва маданиятини ўрганиш учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу бобда Соҳибқирон замонида яшаган Баҳоуддин Нақшбанд, Бобо Сангу, Низомиддин Шомий, Камол Хўжандий, Мир Шариф Жузжоний, Хожа Исматуллоҳ Бухорий ва бошқа кўпгина улуғ сиймолар қаторида мавлоно Саъдуддин Тафтазонийга ҳам ўрин ажратилган. Хондамир аллома ҳақида, жумладан, шундай деб ёзади: «Алломайи оламнинг таваллуди 722 (1322) йилнинг сафар ойида Нисо вилоятидан бўлган Тафтазон қишлоғида рўй берди. У ёшлик пайтларидан бошлаб махсус ва мафҳум илмларни эгаллаб, ўн олти ёшидаёқ «Шарҳи Сарфи Зинжоний» (яъни, «Зинжонийнинг «Сарф» асарига шарҳ»)ни ёзди. Шундан сўнг Малик Ҳусайн Карт номига «Мутаввал» асарини битди. Сўнгра ўша замон улуғлари макони бўлган Хоразмда ватан тутиб Жонибекхон номига «Мухтасари талхис» асарини яратди. Амир Темур Кўрагон Хоразмга юриш қилганида Малик Мизиддин Ҳусайннинг кенжа ўғли бўлган Малик Муҳаммад Сарахсий ўзининг биродарзодаси, яъни бу юришда Соҳибқиронга мулозим бўлган Малик Пирмуҳаммад ибн Малик Ғиёсиддинга мактуб йўллаб, унга шундай деди: «Ҳар гоҳ Хоразм фатҳ этилса, онҳазратдан рухсат сўраб жаноб мавлоно Саъдуддинни Сарахсга равона қилгин», Хоразм фатҳ этилгач, Соҳибқирон Журжония (Урганч) аҳолисини кўчиришга фармон берди. Малик Пирмуҳаммад тиз чўкиб, онҳазратдан мавлоно Саъдуддинга Сархсга жўнашга ижозат этилишини сўради. Амир Темур Кўрагон маликзоданинг илтимосини қабул қилди ва мавлоно Саъдуддин Сарахсга жўнаб кетди. Ҳазрат Соҳибқирон Самарқандга қайтгандан кейин уламо ва машойихлар бу сўзларни арзга етказишди: «Сизнинг салтанатингизга Хоразм фатҳи муяссар бўлди. Аммо у мамлакатнинг ҳосили Малик Муҳаммад Сарахсийга таaллуқли бўлиб қолди». Онҳазрат улардан ўз арзларини муфассалроқ баён этишларини сўраганда ул жамоат шундай дейишди: «Ҳозирги пайтда олам олимларининг саромади ва бани одам фозилларининг муқтадоси мавлоно Саъдуддин Масъуд ат-Тафтазонийдир. Ул кишининг фасоҳат ва камолот сифатларига эга асарлари худди қуёш нурларидек оламнинг Шарқ ва Ғарб тарафларини мунаввар этмоқда. Табаррук китобларидан таралган муаттар бўйлаб фарвардин шамоли каби ер юзининг бутун Шимол ва Жануб тарафларига етиб унга яшиллик ва тароват бағишламоқда». Амир Темур Кўрагон бу янглиғ сўзларни эшитгач, ўз рўзғори саҳифасига таассуф рақамини чекди ва жаноб мавлавийнинг ҳумоюн даргоҳда ҳозир бўлишлари сўралган жаҳон бўйсунувчи фармонни Сарахсга жўнатди. Мавлоно Саъдуддин Ҳижоз сафарига жўнашни баҳона қилиб, бу илтимосни ижобат қилмади. Аммо бу борада ҳазрат Соҳибқироннинг фармони иккинчи бора юборилгач, Самарқандга отланди ва бир неча йил бу шаҳарда шон-шуҳрат маснадида ўтириб, камолот аҳлларига таълим беришга машғул бўлди. Амир Темур Кўрагон ул олимлар сардори бўлган донишмандга иззат-ҳурмат кўрсатишда муболағалар қилиб, мажлисларда ул жанобга ўз тўшагининг юқори томонидан жой берар, хайрлашув пайтида сарой олдигача кузатиб чиқарди. Мавлоно Саъдуддиннинг вафоти Самарқандда рўй берди ва қабри Сарахс шаҳридадир. Ул жанобнинг ақлий ва нақлий илмларга оид асарларининг сон-саноғи йўқдир».

Шундан кейин Хондамир Саъдуддин Тафтазонийдан мавлоно Муҳаммад исмли бир ўғил қолгани ва у ҳам йирик олим бўлиб етишиб, бир қанча муддат Амир Темур даргоҳида мулозим бўлганини баён этади.

Абдураззоқ Самарқандай ўзининг «Матлаи саъдийн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») асарининг биринчи жилдида 781 (1379) йил воқеалари баёнидаги «Ҳазрат Соҳибқироннинг тўртинчи марта Хоразмга лашкар тортиши» фаслида Саъдуддин Тафтазоний ҳақида маълумот беради. Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асаридаги алломага оид деярли барча маълумотлар «Матлаи Саъдайн»да бор ва айрим жиҳатлари билан тўлароқ ҳамдир. Масалан, Абдураззоқ Самарқандий ёзишича, аллома Хоразмадан Сарахсга жўнаши учун Соҳибқирондан рухсат олиб берган Малик Пирмуҳаммад Амир Темурнинг қиз жияни, яъни унинг синглиси Ширин Оғонинг қизи Севинч Қутлуғ Оғонинг номзоди (қайлиғи) бўлган. Шунингдек, Абдураззоқ Самарқандий Амир Темурнинг Самарқандга етиб келиш ҳақидаги дастлабки фармонига Тафтазоний рад жавоби берганини қуйидагича баён қилади: «Жаноб мавлавий ҳукмни мутолаа қилгач, шундай деди: «Агар бу истакларини (Амир Темур) ҳақиқатан зарурий деб билганларида Хоразмдаёқ жўнаб кетишга рухсат бермаган бўлардилар. Ҳозир эса биз Ҳижоз сафарига жўнаш ниятидамиз. Ўз мурувватлари билан бизни маъзур тутиб, ҳузурларига бормоқ мажбуриятидан озод этсалар». Хондамир маълумотларига қўшимча сифатида «Матлаи саъдайн» асаридаги яна бир тафсилот шуки, ниҳоят, Саъдуддин Тафтазоний Амир Темурнинг таклифига кўниб, йўлга чиқиб Самарқандга яқинлашганида, Соҳибқирон улуғ аъёнлар ва пойтахтнинг фозил кишиларини кутиб олиш учун унинг истиқболига чиқазган, иззат-икром шартларини жойига етказиб, мавлоногa муносиб бир жойдан ҳовли берган. Абдураззоқ Самарқандай ўз асарини олдин ёзганини назарда тутсак, Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» асаридаги Тафтазоний ҳақидаги маълумотларни «Матлаи саъдайн»дан қисқартириброқ олиб баён этган деб тахмин қилиш мумкин. Аммо юқоридаги тафсилотлардан ташқари «Матлаи саъдайн» асарида Соҳибқирон Амир Темур ва аллома Саъдуддин Тафтазоний муносабатларга оид яна бир қимматли ҳужжат келтирилганки, у нафақат Хондамир асарида, балки бошқа тарихий манбалар ва ҳужжату ёзишмалар тўпламларида ҳам учрамайди. Бу ҳужжат Амир Темурнинг Саъдуддин Тафтазонийга йўллаган мактуби матнидир. Абдураззоқ Самарқандий маълумотига кўра, бу мактуб Соҳибқироннинг Самарқандга етиб келиш ҳақидаги биринчи таклифи аллома тарафидан рад этилганидан сўнг жўнатилган. Тарихчи Амир Темур ўз таклифи инобатга олинмаганидан қаҳрланиб (матнда — дар тоб шуда) бу мактубни йўллади, деб ёзади. Аммо мактуб мазмуни қатъият ва буйруқ оҳангига йўғрилган бўлса-да, унда қаҳр учқунлари кўринмайди. Аксинча, унда лутфу назокат ва ҳурмат-эҳтиром туйғуси кучлидир. Соҳибқирон Амир Темурнинг ўша даврдаги айрим қудратли ҳукмдорларга сиёсат билан, ҳатто ошкора таҳдид қилиб ёзган мактублари ҳам мавжудлигини ҳисобга олсак, бу мактубдан унинг олимларга нисбатан қанчалик мулойим ва сермулозамат бўлгани янада равшанроқ кўринади.

Мактуб Амир Темур фармонига кўра ва унинг номидан ёзилган. Унинг мазмуни ва оҳангидан юборган кишининг шахсияти яққол кўзга ташланиб турибди. Бир ўринда, яъни мактуб ҳошиясидаги Сарахс ҳокими Малик Муҳаммадга қаратилган ёзувда биринчи шахс тилидан ортиқча такаллуф қилинмай бирлик сонда гапирилган, фикримизча, Соҳибқироннинг оғзаки айтганлари жузъий таҳрир билан қоғозга туширилган. Мактуб бошланишида котиб ўша замон иншо қоидалари талабига кўра бир қанча жимжимадор ва баландпарвоз иборалар қўллаган бўлса-да, умуман олганда унинг тили нисбатан содда ва тушунарлидир. Амир Темурнинг тарихчилардан хослар назарида мақбул ва оддий кишилар ҳам тушуна оладиган асарлар яратишни талаб этганини эсласак, мазкур мактуб Соҳибқироннинг диди ва бадиий салиқасига мос тарзда битилган дейиш мумкин. Мактубда Амир Темур Хоразмни забт этгач, мавлоногa дарҳол Самарқандга боришни таклиф қилмагани сабабини, «у ҳолда ул зотга нисбатан ҳурматсизлик бўларди», — деб изоҳлайди. Дарҳақиқат, унда Тафтазоний Самарқандга гўёки асир сифатида мажбуран келтирилгандек бўларди. Энди эса у бошқа вилоятда бўлганида, таклифдан сўнг ўз ихтиёрига кўра ташриф буюрмоғи мумкин эди. Бу мактуб, шубҳасиз, Соҳибқироннинг ўз замонасидаги улуғ олимларга нисбатан муносабатини ойдинлаштирувчи ва унинг олимлар билан суҳбатни ғоят қадрловчи ҳукмдор бўлганини тасдиқловчи муҳим бир далилдир. Шу ўринда мазкур келтирилган асар, яъни «Матлаи саъдайн» ҳақида бир оз тўхталиб ўтмоқ жоиздир. Абдураззоқ Самарқандийнинг ушбу асари икки катта жилддан иборат бўлиб, унда 704 (1304) йилдан то 875 (1470) йилгача Марказий Осиё ва унга қўшни ўлкаларда содир бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеалар солнома тарзида йилма-йил баён қилинган. Асарнинг иккинчи жилдининг 1405-1429 йиллар воқеалари баёнини қамраб олган биринчи қисми атоқли манбашунос олим устоз Асомиддин Ўринбоев томонидан ўзбек тилига таржима этилиб 1969 йили Тошкентда сўзбоши ва изоҳлар билан нашр қилинган. Иккинчи жилднинг (1430-1470 йиллар воқеалари) иккинчи ва учинчи қисмлари ҳам Ўринбоев домла томонидан таржима қилинган, аммо ҳануз чоп этилгани йўқ. Асарнинг асосан Амир Темур даври тарихига бағишланган биринчи жилди эса ҳали яхши ўрганилмаган. Бошқа манбаларда мавжуд бўлмаган мана шундай ноёб мактубнинг учраши «Матлаи саъдайн»нинг биринчи жилди ҳам илмий тадқиқ этилиши зарурлигини тасдиқлайди. Ундан яна баъзи нодир маълумотлар чиқиб қолса ажаб эмас.

Абудраззоқнинг бу мактубни қайси манбадан олиб ўз асарига киритгани масаласига тўхталсак, у Ҳиротда темурийлар саройида эътиборли мулозим бўлиб юрганида сарой архивидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган ва мазкур мактубни унда сақланаётган ёзишмалар орасидан топиб олган, деб тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, Абдураззоқ Самарқандий ўз асарининг то 1427 йил воқеаларигача бўлган қисмларини ёзишда Амир Темур замондоши ва Соҳибқиронга мулозим бўлиш шарафига ноил бўлган етук муаррих Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар сараси») асаридан кенг фойдалангани яхши маълумдир. Эҳтимолки, бу мактуб Ҳофизи Абру китобида ҳам келтирилгандир. Маълумки, Ҳофизи Абру «Зубдат ут-таворих» ва Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да учрамайдиган Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим маълумотлар, тафсилотлар бўлиши шубҳасиздир. Аммо бу қимматли асарнинг, айниқса, Амир Темур даврига оид биринчи жилдининг қўлёзмалари ғоятда кам сақланиб қолган. Унинг қўлёзмасининг хориждан олинган фотонусхаси шу фурсатда бизнинг қўл остимизда бўлмади. Шу сабабли ушбу мактубнинг «Зубдат ут-таворихда» бор ёки йўқлиги бизга ҳозирча номаълум бўлиб қолди.

Дарвоқе, Соҳибқирон Амир Темурнинг аллома Саъдуддин Тафтазонийга йўллаган мактуби аллақачон замонавий олимларнинг диққат-эътиборини жалб қилиб улгурган. Машҳур Эрон адиби ва олими марҳум Маликушшуаро Баҳор ўзининг «Сабкшеноси» («Услубшунослик») номли йирик илмий тадқиқотининг учинчи жилдида мазкур мактубни темурийлар даври иншо санъатининг характерли намунаси сифатида келтиради. Олим бу мактубни ўзининг шахсий кутубхонасидаги Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн» асари биринчи жилди қўлёзмасидан олгани ҳақида изоҳ берган.

Қуйида ушбу ноёб мактубнинг «Матлаи саъдайн» асари биринчи жилдининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган 17-рақамли қўлёзмаси асосида амалга оширилган тўлиқ ўзбекча таржимасини келтирамиз:

***«Миллату диннинг бахти мавлоно Муҳаммад ат-Тафтазонийга.***

***Аллоҳ таоло фазилат ато этиб, унга қудрат бахш этганлиги ва гўзал ҳулқлар унинг хусусиятларидан, мақтовга лойиқ фазилатлар унинг ҳимматидан эканлигини кўргач ҳамда кўп одамлар астойдил уни истовчи ва назокат билан талаб қилувчи бўлаётганлигини билгач, биз ҳам ул зотга бўлган орзу-умидларимизни батафсил баён этиб, хоҳиш-истагимизни билдирдик. Зеро, ул зот истакларни, улар қанчалик буюк бўлмасин, рўёбга чиқаргувчи ва ҳожатларни, улар қанчалик оғир бўлмасин, адо этгувчидирлар. Яна ул зот ижобат қилгувчи валийдурлар.***

***Амну омонлик ёрлиқларининг туғроси бўлган шодлик тонгининг шафағи улуғлик осмонидан ҳамиша балқиб яркирайверсин. Сўнгра, мақсад ва истагимиз шудирки, баҳодирларнинг пўлат тиғлари зарбидан метин тошдан ўт чақнаган ва мағлублар оҳи шамол ўтадиган йўлларни тўсиб қўйган ҳамда (рўй берган воқеалар) ваҳший шернинг ҳам жигарини хун қилиб юборадиган ўша кунда ул мақтовли сифатлар эгаси бўлган зотнинг табаррук эрлар макони ва улуғ олимлар ватани бўлган бу диёрга юзланишларини илтимос қилмоқни хотирамиз тиламади. Сабаби шуки, бу ҳол ҳурматсизлик аломати ва эътиборсизлик нишонаси бўларди. Аммо чун, ул зот мамлакатимизнинг бир парчаси бўлган иззат маконида (яъни Сарахсда) қарор топганларидан сўнг ушбу номани йўлладик, токи ул олий мажлис (яъни Саъдуддин Тафтазоний) бу тарафга қараб отлансалар ва ташрифлари шарофати билан бу диёрни мунаввар айласалар. Ул жанобга навозиш кўрсатиш шартлари лозим даражада ўрнига қўйилур. Мавлавийнинг яқинлари ва хизматкорлари ишларининг йўлга қўйилиши ҳамда уларнинг дунёвий эҳтиёжлари таъминоти жанобларининг саодатли хотирларига мувофиқ тарзда бажарилур. Ва агар, чунончи, шариф хотирларида муборак Каъба сафарига жўнаш ниятлари бўлса, тўла иззат-икром ва бениҳоя эҳтиром билан бу ердан кузатиб қўйилурлар. То мулоқот бўлмагунча ҳеч бир тарафга равона бўлмасинлар. Қаттиқ ишонамизки, илтимосимиз рад этилмайди ва тезда бу тарафга қараб йўлга тушадилар. Зеро, ҳеч нарса бунга тўсқинлик қилолмайди ва халақит беролмайди.***

***Етти юз биринчи (1379) йилнинг муборак рамазон ойида битилди».***

Мактуб матни келтирилгач, Абдураззоқ Самарқанадий ана шундай деб ёзади: «Сўнгра мактубга ҳумоюн муҳр босилди ва унинг ҳошиясига Малик Муҳаммад номига ушбу иборатлар ёзилди: «Йўллаган саломимиз етиб боргач, Малик Муҳаммад мавлоно ҳазратларини ўз яқинлари ва фарзандлари билан биргаликда от-улов ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаб, ишончли одам ҳамроҳлигида Марвга жўнатсин. Агар бу ишда камчиликка йўл қўйилса, бу ҳол хотирамиз ранжишига сабаб бўлади. Биламизки, камчилик содир этилмайди, вассалом».

Ва бунга ҳам муҳр босишди.

*Нақд гап*

# МИЛЛАТИМИЗ МАЪРИФАТИНИНГ БУГУНГИ МАНЗАРАСИ

Ҳозирги кунларда Тошкентни айлансангиз, хориж русмидаги файзли бинолар, кўзни яшнатадиган турфа хил рангга кўмилган дўконлар, кўнгил очар жойлар, Америка йўлларидан қолишмайдиган обод ва равон йўллар баҳри-дилингизни очади. Тошкент тунда ўзгача бир фусун ва гўзаллик намоён этади: неон чироқларига кўмилган, хиёбонлар, майдонлар, то ярим тунгача янграйдиган мусиқа садолари — буларнинг ҳаммаси Ватанни, миллатни севувчи ҳар бир инсон қалбида ифтихор туйғусини уйғотади.

Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театри қаршисида жойлашган «Шарқ зиёкори» китоб дўкони ўрнида яқингинада катта тижорат дўкони бўларди... Бу ерда китоб дўкони билан бирга «Шарқ» матбаа-нашриёт концернининг буюртма қабул этиш маъмурий маркази ҳам жойлашган. Хона замонавий услубда таъмирланган бўлиб, буюртмачига қулай ва осон бўлиши учун энг майда нарсаларгача обдон ўйлаб жиҳозланган. Қани эди, шундай китоб дўконлари, маърифат марказлари, ҳар бир нашриёт ва маънавиятга алоқадор бошқа ташкилотларда ҳам мавжуд бўлса!

Мен бу ерга тез-тез кириб тураман, китоблар кўплигидан яйраб кетаман. Бир кирганимда «XX аср ўзбек романлари» сериясида, рангли муқовада нашр этилган А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», таниқли ёзувчиларимиз Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик ва Тоғай Мурод каби ёзувчиларимизнинг асарларини кўриб қувондим. Лекин бу китоблар — денгиздан томчи холос. Бутун бошли дўконда ўзбек тилида нашр этилган китоблар жуда оз. Дўкон китоблари мундарижасини детектив жанрдаги, «Марианна» каби ишқий саргузашт романлар, хорижий тиллардан таржима этилган олди-қочди мавзудаги асарлар, башорат (турли хил гороскоп) китоблар ташкил этади. Диний китоблар жойлашган бўлимни кўздан кечирганимда, бўшашиб кетдим. Негаки, пештахталарда «Библия»нинг (эринмасдан санаб чиқдим) Русия ва Европадаги бошқа мамлакатларда нашр этилган жуда чиройли ва пишиқ ўнга яқин нашрлари бор, «Қуръони карим»нинг бирон донаси ҳам йўқ. Болаларимга «Қуръони карим»нинг пишиқ ва ихчам ишланган нашрини совға этишни орзу этардим, шу пайтгача бундай ўзбекча нашрни бошқа дўконларда ҳам учратмадим.

«Болалар бўлими»даги китоблар ҳам деярли ҳаммаси рус тилида. Ҳатто катталар ҳам ўқиёлмайдиган даражада майда ҳарфлар билан терилган иккита ўзбекча китоб олдим, холос.

Биз Аллоҳнинг иродаси билан шунча йиллик қулликдан қутулсак-да, руҳ ва кўнгулнинг қуллигидан қутулмадикми? Наҳот, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори ва Чўлпонларнинг кўнгил фарёдлари бизни қизиқтирмаса?

Айни вақтда матбаачиларни айблашга ҳам асосимиз йўқ, улар бозор эҳтиёжи билан — қайси китоб сотилса, фойда келтирса, шуни босишяпти.

Аксарият маърифат масканларида, кутубхоналарда, китоб дўконларида, газета дўконларида, китоб олаётган, газета ўқиётган одамлар орасида бизнинг миллат вакиллари жуда оз. Мен суриштириб билдимки, ҳатто мактаб ва туман кутубхоналарида ҳам (кўп жойларда ўзбекча китоб оз) саноқлигина ўзбек болаларимиз китобхон экан. Йўлкаларда, метро бекатларининг ўтиш жойларида ташкил этилган ёйма китоб дўконлари русча ўқийдиган китобхон эҳтиёжига мос, мундарижаси эса, юқорида айтганимиздай, саргузашт ва детектив жанрда.

Миллатимизнинг маърифий савияси масаласига уч юз йиллик мустамлака даври, болажон ўзбек халқининг урф-одатларидан, характеридан келиб чиқиб ёндошишимиз керакка ўхшайди.

Иқтисодий имконияти бўлган, фарзандининг келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир ота-она болаларига китоб сотиб олиб беришига ишонаман.

Бугунги мактаб ёшидаги ва ўсмир болаларнинг кўпчилиги тижорат ишлари билан машғуллиги ҳаммага аён. Уларнинг ахлоқи, дунёқараши, эртанги кунга қизиқиши ҳам шунга яраша. Лекин ҳамма ёшларнинг ҳам шундай эмаслигига, уларнинг илм олаётганига, тил ўрганаётганига шукр этаман.

Тангри-да маърифат чироғи билан ёриган кўнгулларни мўъжиза ва саховат нурларига тўлдирармиш.

Ҳукуматимиз раҳбариятининг ҳозирги сиёсатида миллат маърифатига катта эътибор берилмоқда. Уларга қўшимча равишда — менимча, боланинг маърифий иқтидорини, фикрлаш доирасини кенгайтирадиган дунёвий асарларни, республикамизда чоп этиладиган маълум китобларни, газета-журналларни ва «Ҳадис»га ўхшаган умуминсоний муаммоларни илгари сурадиган манбаларни ўқишни урф этмоғимиз лозим.

Насиб бўлса, Ҳадиси шарифда айтилганидай, бир оғирлик изидан, албатта, енгиллик келар. Муаққат қийинчиликлар ҳам ўтар, ана ўшанда ҳувиллаб ётган кутубхоналар, китоб дўконлари янги авлод нафаси билан яшар, деган умид тасаллиси бор.

**Саломат ВАФО**

# ИЛДИЗЛАРИ ЖОНГА ТУТАШ ИБОРАЛАР

**(Адабиётшунос Ботир Норбой ва тиббиёт олими Алижон Зоҳидий суҳбати)**



**Б. Н.** — Тил алоқа воситаси, қуролигина эмас, жамият ҳаётини, тарихини акс эттирувчи ўзига хос кўзгу ҳам. Айни замонда тилдаги ҳар бир сўз, ибора ёки мақолнинг, ҳикматли сўзларнинг тарихий, бадиий ҳамда фаний маънолари ҳам борга ўхшайди. Бугун айрим ибораларнинг тиббий маънолари ҳақида гаплашсак.

**А. З.** — Маъқул.

**Б. Н.** — Алишер Навоийнинг шундай қимматли байти бор: «Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билки гуҳари шарифроқ йўқ ондин». Бу байтда шоир сўзнинг мўътабарлигини, инсон сўз туфайли Инсон бўлганлигини, сўздан азизроқ ва мўътабарроқ ҳеч нарса йўқлигини қисқа ва аниқ, айни замонда таъсирли шаклда ифодаламоқда. Бу ерда Инсон ва ҳайвон сўзлари қофия тарзида келаётгани учунми, менда бу байтнинг тиббий маъноси ҳам бўлса керак, деган фикр туғилди.

**А.З.** — Албатта-да. Бир куни домламиз Тўлқин ака Бузруковга Навоийнинг шу байтини мен ҳам ўқиб бергандим. Э, бу Павловнинг иккинчи сигнал системасининг шеърий кўриниши-ку, деб қолди. Шундан кейин мен ҳам сўз ва ибораларнинг, мақол ва ҳикматларнинг тиббий маънолари ҳақида ўйлай бошладим. Бу ерда шеърият мулкининг султони Инсоннинг ҳайвондан фарқи онг, тафаккур, бинобарин, сўз туфайлидир. Бу сифатлардан маҳрум зотнинг ҳайвондан фарқи йўқ, деган концепцияни илгари суряпти. Маълумки, ҳар қандай ҳайвондан фарқли равишда инсон миясининг пўстлоғи жуда кучли тараққий топган. Миямиздаги саноқсиз эгат ва пуштачаларда олий асаб фаолиятимизни идора этувчи 52 та майдон жойлашган. Бу марказлар ўз кашшофининг номи билан Бродман майдонлари деб юритилади. Жумладан, бош миянинг тепа соҳасида ҳаракат ва сезги майдонлари жойлашган бўлиб улардан олдда, яъни пешона қисмида нутқ ёзиш, хотира, фикрлаш марказлари бор. Айнан ўша нутқ маркази бизнинг гўзал ва латиф сўзларимиз, жумлаларимизни таъминлаб беради. Бу маркази шикастланган, бирор бир йирингли яллиғланишли хасталик оқибатида зарарланган ёхуд гиёҳвандлик, ичкиликбозлик оқибатида таназзулга юз тутган одамларда нутқ жозибаси йўқолади, гаплари тутуруқсиз, пала-партиш, томдан тараша тушгандек бўлиб қолади.

Қисқаси, бундай одамлар борган сари ҳайвонга яқинлашиб борадилар.

**Б. Н.** — Алишер Навоий кўплаб илмлар қатори тиббиётни ҳам яхши билган. Шу боис мисраларида тиббиётга хос тушунчалар акс этиши қонуний. Айтайлик, шоирнинг халқ орасида мақолга айланиб кетган «Олдига келганини емоқ ҳайвоннинг иши, оғзига келганини демоқ нодоннинг иши» мисраларида нодон одам ҳайвон билан тенглаштирилган. Бунинг ғоявий-бадиий маъноси тушунарли, унинг тиббий маъносини қандай изоҳлаш мумкин?

**А.З.** — Мазкур ҳикмат ҳам моҳият жиҳатидан юқоридагисига ўхшаб кетади. Руҳшунос ва асабшунос олимларнинг тадқиқотларига кўра, олий асаб фаолиятимизни, ихтиёрий ҳаракатларимизни идора этгувчи мия пўстлоғининг ичида инстинктив, яъни ғайри ихтиёрий фаолиятлар марказлари ҳам бор. Улар вегитатив асаб тизимининг ўзаклари бўлиб, айнан ҳайвонларникига ўхшаб кетади. Оралиқ мияга мансуб бўлган таламус ва гипоталамус соҳаларида шундай ўзакларнинг 38 таси жойлашган. Соғлом одамларда мия пўстлоғи ҳамма вақт бу тубан марказларни назорат қилиб, терғаб туради, кишининг ўзбошимчалик қилишига йўл қолмайди. Агар мия пўстлоғи назорат қилиш лаёқатини йўқотса, ички аъзолар, шу жумладан, юрак фаолиятини идора этгувчи қаҳр-ғазаб, майлистак, очлик ва тўйиш, рашк, ҳасад сингари ҳиссиётлар маркази бўлган бу ўзаклар вужуд ва руҳимизни ўзларича идора эта бошлайдилар. Вужудда тўнтариш юз бериб, инсон шахс сифатида инқирозга бора бошлайди. Бу зот еб тўймайдиган, ўзининг турли майллари, қаҳрғазабини ҳам идора эта олмайдиган бўлиб қолади. Аллома шоир худди шу ҳақиқатларни чуқур билган деб ўйлайман.

**Б. Н.** — Маълумки, мақол ва маталларда халқ донолиги акс этади. Энди ўйлаб қарасак, бу ерда фақат шунчаки донолик эмас, тиббий донолик ҳам бор экан. Халқимизда «Соғ танда соғлом ақл», «Жаҳл кетганда ақл кетади», деган мақоллар ҳам бор. Кейинги мақолдаги жаҳл ва ақл сўзларининг қофиядошлиги, оҳангдошлиги ҳам мақол маъносини, таъсир кучини оширади. Айни замонда бу мақолнинг ҳам тиббий маъноси бор экан-да? Дарвоқеа, бир хилда билмасдан ёки жаҳл устида жиноят қилди, деб баъзан суд қонунчилигида жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳоллари учраб туради.

**А. З.** — Бу мақолларнинг ҳар бирини алоҳида шарҳлаш кераккa ўхшайди. Бош мияси лат еган, миясига қон қуйилган одамларнинг бир қисмида тафаккур ва шуурнинг у ёки бу даражада бузилиши қайд этилади. Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг статистик маълумотларига қараганда, туғма асаб- руҳий хасталиклар билан оғриган ҳар иккита бемордан биттаси соғлом фикр юритиш бахтидан маҳрум. Гидроцифалия, олигофрения - эси пастлик, Даун хасталигида, шу жумладан, бош мияда ёмон сифатли ўсмалар пайдо бўлганда ҳам одамлар тўғри фикрлаш қобилиятидан маҳрум бўладилар. Иккинчи мақолнинг тиббий маъносига келганда шуни айтиш кераки, ҳар қандай одамнинг бош мия пўстлоғида тормозланиш, қўзғалиш жараёнлари мувозанат туради. Жаҳл чиққанда эса бу мувозанат бузилиб, олий асаб тизими ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Бундай ҳолда табобатдаги «нуқсонли доира» қонунига кўра қаҳр-ғазаб марказлари вужудни бошқара бошлайди. Айни замонда, бу ҳол касалликка айланган бўлса, бундай шахслар жамиятда зид хатти-ҳаракат содир қилса, суд-тиббий экспертизадан ўтказилиб, мия пўстлоғи фаолияти текширилади. Агар пўстлоқ назорати йўқолган бўлса, улар руҳий хаста кишилар деб ҳукм чиқарилади.

**Б. Н.** — Қизиқчилар «Кулинг — умрингиз узун бўлади», дейишади. «Бир марта яйраб кулсангиз иккита тухум егандай бўласиз», деб ҳазил ҳам қилишади. Ойбек домла суҳбатларидан бирида «Одамни иш эмас, ғам қаритади», деган мазмунда гапирганлар. Бу шунчаки, киши ғам-аламдан узоқ юрса умри узоқ бўлади, деган ақидадан келиб чиққан гапми, ёки ростдан ҳам кулгининг ёки ғам-аламнинг инсон умри билан алоқадор жойи борми?

**А. З.** — Инсон чин дилдан қаҳ-қаҳ отиб кулганда миядаги шодлик марказларининг тонуси ортади, бу туфайли буйрак усти безининг фаолияти ҳам яхшиланади. Буларнинг бари қонла кўп миқдорда фаол моддалар, гармонлар пайдо бўлишига сабабчи бўлади, барча аъзоларда, шу жумладан, мияда қон айланиши яхшиланади. Меъда-ичак тизимида ферментлар фаолияти кучайиб овқат ҳазми ҳам меъёрига тушади. Япон олимларининг фикрича, одам хурсанд бўлганда оқсилларнинг синтезлашуви кучаяркан. Демак, бир марта кулсангиз икки тухум ютгандай бўласиз, деган гап шунчаки ҳазил эмасга ўхшайди. Қайғу, ғам эса бунинг тескариси бўлиб вужуд дархтини кемирувчи қуртдир.

**Б.Н.** — Айрим пайтлари ўзини идора этолмайдиган, оғзига келганини гапираверадиган жирттакиларга қарата «Э, унинг бошида қурт бор», дейишади. Абдулла Ориповнинг бир шеърида:»... Қурт бор бошида, Тортади фалон қариндошига» мисраси бор. Бу сўзларнинг ҳам тиббий асоси борми?

**А.З.** — Табобат нуқтаи назаридан қараганда, бош мияда экинококкоз хасталиги учрайди: бу касаллик чала пиширилган мол ёки қўй гўшти еган одамларда пайдо бўлиши, миясида юмалоқ қуртсимон паразит пайдо бўлиб, кун ўтган сайин катталашиб бутун мияни қоплаб олиши мумкин. Натижада, одам хатти-ҳаракати учун жавоб беролмайдиган даражага етади...

**Б. Н.** — Демак, сўзнинг руҳимизга таъсири ниҳоятда катта экан-да!? Бизнинг соғ-саломат юришимиз, умримизнинг узоқлиги оғзимиздан чиқадиган сўзга ҳам боғлиқлиги ғаройиб ҳол. Шундай экан, касаллар билан муомала қилишда айниқса, Сиз, врачлар алоҳида ukув ва қобилиятларингизни ишга солишларингиз лозим экан-да!? Бу бўлғуси врачларга муомала маданиятидан дарс ўтиш, уларнинг сўз бойлигини, нутқ маданиятини ўстириш керак, дегани эмасми, «Сўз кулдиради, сўз ўлдиради», деб бежиз айтишмаган.



**А.З.** — Буюк руҳшунос олим Бехтеревнинг «Агар шифокор суҳбатидан кейин бемор енгил тортмаса, у шифокор эмас», деган қимматли гапи бор. Шифокорнинг ўз хизматдошлари, беморлар ва уларнинг қариндошлари билан оқилона мулоқот қилишини ўргатадиган тиббий руҳшунослик, деонтология ҳамда табобат этикаси илмларини бўлғуси шифокорларга фан сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига номзодлар*

# БУ — ҲАЁТ ҚОНУНИ

Эсимда бор: 1984 — 85-йилларда москвалик ёзувчилардан бири, оғиз тўлдириб: «Биз Ўзбекистонга виждон элтмоқдамиз!» деб лоф урган эди. Ўзига енг бўлолмаган қандай қилиб бировга ёқа бўлиши мумкин, деб ҳайратга тушган эдик, бундай ҳақорату дашномларга ҳам жавоб берадиган замонлар келиб қолар, деган умидда яшадик. Москвадан келган Гдлян ва Иванов деган кимсалар ва уларнинг шериклари юртимизнинг ҳамма жойида хонлардек кезишиб, не-не бегуноҳ оилаларни хонавайрон қилдилар, ўзбеклар эли оёқости бўлди, ўттиз еттинчи йиллардан қолишмайдиган қатағон бошланди... Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили» романи халқимиз бошига тушган ўша машъум кунлар ҳақидадир. Адиб бу асарини мазкур даҳшатли кунларни бошдан кечираётган вақтда, минг-минглаб бегуноҳ кишиларнинг изтиробларини юрагига олиб, куйиб-ёниб юрган бир даврда қоғозга туширишни ният қилди ва ёза бошлади. Асарни ёзиб битирган бўлса ҳам, уни эълон этишга шошилмади, чунки даврнинг лойқа сувлари тинмоғи лозим эди. Адолат учун кураш олиб борган инсонларнинг мураккаб ҳаётига бағишланган роман ана шундай дунёга келди.

Адолат учун кураш мавзуи, аслида, атоқли адибимиз ижоди учун ўқ томир вазифасини бажаради. Биз бу мавзу ифодасини «Улуғбек хазинаси»да ҳам, «Кўҳна дунё»да ҳам, «Диёнат», «Оққушлар, оппоқ қушлар» романларида ҳам у ёки бу йўсинда кўрамиз. Ёзувчи ўзининг севган мавзуини давом эттириб, «Адолат манзили» романини иншо этди.

Роман воқеалари асосан Маржонтов туманида бўлиб ўтади, аммо ўқувчи воқеаларни Ўзбекистонда, яъни бутун юртда юз бераётганини сезиб туради. Роман «худди ёв қувгандай бетиним, асабий жиринглаётган» телефон, тўғрироғи, асабий телефон қўнғироғи билан бошланади. Ёзувчи жуда чиройли топган детал — асабий телефон қўнғироғи худди замоннинг рамзидай таассурот қолдиради. Асабий қўнғироқ асаблари таранг тортилган Бибисора момога хунук хабар келтиради: Маржонтовда куёви, совхоз директори бўлиб ишлаётган Суюн Бургут ҳибсга олинган экан!

Шуни таъкидлаш лозимки, романда кўп планли асар имкониятлари яширинган. Бибисора момо билан Шербўта Норбўтаев ёки Ветеран бобо, Суюн Бургут билан Маржоной, Лочин билан Олтиной ва Кларахон, Салим қилтириқ ва Кумушбиби... буларнинг бари жуда қизиқарли сюжет оқимлари, ҳаёт қиссалари. Аммо ёзувчининг нияти — адолатни, адолат учун курашни кўрсатиш. Шунинг учун у қизиқарли ҳаётий қиссалардан фақат ўз ижодий мақсади учунгина зарур бўлган воқеаларни танлаб олади. Бу жуда мақбул йўлдир.

Асар марказида «Маржонтов» совхозининг директори, мард ва танти инсон Суюн Бургут Сувонқулов образи туради. У совхоз директори бўлиб тайинлангандан кейин аввалги директор Мансур меш, ёзувчи уни «сонигача осилиб тушган қорнини чарм мешга солиб, кўйлаги ичидан бўйнига осиб юрармиш», деб таърифлайди, Суюн Бургутга ашаддий душман бўлиб қолади. Лекин Суюн Бургут ўзи табиатан ҳалол ва ғайратли бўлганидан одамлар меҳрини қозонади. Шунда фалокат юз беради: Дарвеш дудуқ қўрасида ёнғин чиқиб, олти юз қўй нобуд бўлади. Суюн Бургут бечора чўпонни қуллаш мақсадида халққа мурожаат қилмоқчи, бироқ бунинг учун унинг ўзи намуна кўрсатиши керак... У юз қўйини чўпон учун ажратади, худди шу одамгарчилиги кейин унинг ўзига айб қилиб ёпиштирилади. Ўзбекистонда шу пайт «тартиб ўрнатувчилар» изғиб юрар эдилар. Суюн Бургут ҳам қамоққа ташланади, у эса нима айбим бор экан, деб ўйлаб ўйига ета олмайди...

«Маржонтов туманида тергов ишларига бошчилик қилаётган Вячеслав Шарановский, — ўқиймиз романда, — вилоят марказидан ниҳоятда кўтаринки руҳда, боши осмон бўлиб қайтди. Бунинг бир сабаби жумҳурият миқёсидаги тергов ишларини бошқараётган генерал кеча вилоят марказида ўтказилган махфий кенгашда Шарановский ва унинг қўл остидаги терговчилар қўллаётган услуб, яъни бирор жиноятчини ҳибсга олишдан олдин унинг жиноятларини исбот қилувчи фактларга суяниш эмас, балки аввал ҳибсга олиб, кейин тергов давомида гуноҳини бўйнига қўйиш услубига юқори баҳо берди, бу услубни адлия фанига қўшилган улкан янгилик деб эълон қилди...»

Суюн Бургут худди ана шу услубда, яъни «аввал ҳибсга олиб, кейин тергов давомида гуноҳини бўйнига қўйиш услубида» қамоққа олинади, каллакесарлар орасига ташланади. Гуноҳини бўйнига қўйиш учун (у ҳеч қандай айбни бўйнига олмади) унинг суюкли хотини ва суянчиғи Маржонойга ҳам айб қўядилар ва уни қамаш ҳақида сўз юритадилар. Борди-ю Суюн Бургут ўз айбига иқрор бўлса... унда Маржоной омон қолади ва ҳақорат этилмайди. Не-не қийноқлару азобларга бардоши чидаган Суюн Бургут Маржонойнинг шаънига доғ тушиши мумкинлигини юракдан ҳис этади ва умр йўлдошини асраш учун... ўз ҳаётини қурбон қилади... Ёзувчи Суюн Бургутнинг шундай қатъий қарорга келиш тафсилотларига тўхталиб ўтирмайди, мушоҳада ҳуқуқини ўқувчи измига қолдиради. Ўқувчи фожиа илдизларига диққат қилар экан, ҳаёл кучи уни ёлғончи салтанатнинг ёлғончи ғояларига юзлаштиради ва бундан ишонувчан юрагига ларзалар тушади...

Нуктадон адиб романда ҳаётий бир ҳолатни жуда чиройли таҳлил қилади. Россиянинг энг шимолий вилоятларида ишлаган Шарановский, яъни Маржонтов тумани прокурори, Ўзбекистонга келгач, боғ-роғлар, қишлоқлар, шаҳарларни кўриб, аламидан ўзини қўйгани жой топа олмайди. Кўрганларини ўз Россияси билан қиёслаб, ўз-ўзига дейди: «Нега буларда ҳамма нарса бор? Нега бизда йўқ? Нега бизнинг аҳволимиз бунча хароб? Бунинг акси бўлиши керак-ку аслида?.. Нега булар бунчалик ошиб-тошиб кетишган?..» Шундай қора ҳасад ўти юрагида моғор босиб ётган одам, бу юртга, унинг кишиларига адолат кўзи билан боқа оладими?.. Роман қаҳрамони Шарановскийдаги бу ҳолат ниҳоятда ҳаётий эканлигини қуйидаги мисол ҳам исбот этади. Машҳур рус шоири Ярослав Смеляков 60-йилларда юртимизга сафар қилиб, бир неча шеърлар битганди. Уларнинг ичида, айниқса, «Ит», «Кетмон» сингари шеърлари машҳурдир. Жумладан, «Кетмон» шеърида шоир Ўзбекистон ҳақида тўлқинланиб ёзади. Юртимизнинг бой-бадавлат, худо берган юрт эканлиги ҳақида, боғ-роғлар, қишлоқлар, шаҳарлар, мевалар мўллиги, ҳамма нарсанинг борлиги тўғрисида мисралар тизади. Сўнг, нима учун бу ерда ҳамма нарса бору менинг юртимда ҳеч нарса йўқ, ерлар ҳам боғ-роғлар эмас, ботқоқ, ўрмон, чангалзор дея ўксинади. Бу ерда «Адолат манзили»нинг қаҳрамони прокурор Шарановский билан шоир Ярослав Смеляков фикрлари бир-бирига уйқаш. Шу жойдан бошлаб, шоирнинг фикри ўзгаради, сабаб, у боғ четида худди ишдан ҳориб ёнбошлаб олган деҳқон каби ётган кетмонга кўзи тушиб қолади. Шоир «ҳамма нарсанинг борлиги»га сабаб ана шу меҳнаткаш кетмон эканлигини тушуниб етади ва меҳнаткаш кетмон шаънига ҳамду санолар айтиш билан шеърини якунлайди. Даставвал ҳасад бўлиб кўринган туйғу қойил қолиш, тан бериш туйғуси билан алмашади. Бироқ Шарановскийда қора ҳасад туйғуси кучайгандан кучайиб кек, ўчга айланади ва айбсиз кишиларни қатағон қилишда алангаланиб ёнади.

Куёви Суюн Бургут тақдири билан қизиқиб келган ветеран Шербўта Норбўтаевнинг Шарановский билан учрашуви, назаримда, асарнинг муҳим нуқталаридан бири. Икки қаҳрамон — икки олам. Адиб Ветеран бобонинг руҳан азобланганини тасвирлар экан, шундай ёзади: «У худди ноҳақ қамчи еган отдай ҳамон дир-дир титрар»ди. «Ҳақиқат қилгани келиб, ҳақиқатни топтаяпсанлар сенлар! — дейди Ветеран бобо Шарановскийга. — Ўйлайсанларки, билганимизни қиламиз, оёқости қиламиз бу юртни деб! Қайтар дунё бу! Ҳали жавоб берасанлар бу қилмишларинг учун!» Шунда Шарановский кўзбўямачилик, ўғрилик ҳақида аччиқ гаплар айтиб, ҳақорат қилишгача боради: «Ҳамма бир гўр бу элда!..» Шу ерда адиб Ветеран бобонинг руҳий ҳолатини жуда тўғри тасвирлайди. Ветеран бобо: «Аблаҳ! Бутун бир элни ўғрига чиқаришга, ҳақорат қилишга ким ҳуқуқ берди сенга? — деб бақиргиси келар, лекин тили ғулдираб, овози чиқмас эди...».

Чиндан ҳам ўша йиллар, агар Ветеран бобонинг овози чиққанда ҳам биров унга қулоқ солиши амримаҳол эди. Чорасиз ва хўрланган элнинг ҳаёти ана шундай оғир ва мусибатли эканлиги роман саҳифаларидан яққол кўриниб туради.

Суюн Бургутнинг ўғли Лочин отасининг ўлими ва суюкли оти Қалдирғочдан айрилгани сабаб, умидсизлик чангалига тушади. Ўзини дарага отар экан, Лочин шундай нидо қилади: «Кечиринг, энажон! Аммо ўғлингиз бу золим дунёда туролмайди! Суйган отасини хор қилган, ундай ҳалол, мард, танти инсонлар оёқости бўлиб, Мансур мешдай қора қузғунлар даври-даврон сурган бу дунё, бу юрт ўғлингизга ҳаром, энажон. Кечиринг!..»

Биз Суюн Бургутдек мард инсонларнинг, Лочин сингари довюрак ўғлоннинг бевақт оламдан кўз юмганига ачинамиз. Аммо бу ҳаёт қонуни, ёзувчи эса ҳаёт қонунига қарши бора олмайди.

«Адолат манзили» адабиётимизда сўнгги қатағон йиллари ҳақида ёзилган яхши асарлардан бири бўлиб қолади.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

# ҒУССАЛИ ЮРАК — ЁЛҚИНЛИ ЮРАК

Ҳақиқий шоирнинг руҳ ва фикр мақоми ўзига хос, доимо юксак бўлади. Бу ўзига хослик ва юксакликниннг муҳим бир жиҳати — оломонни қизиқтирувчи, оломонга мақбул келувчи фикр ва туйғулардан шоир қалбининг покланишидир. Акс ҳолатларда шоир оломоннинг ортидан эргашиб юрмаса-да, ўзи хоҳ истасин, хоҳ истамасин, оломон куйчисига айланиб қолаверади. Санъат завқи ила қалам тебратадиган шоирни оломон тушунмайди. Тушунмагач, унинг асарларини тўғри қабул эта олмайди. Шоир бундан ҳеч нима ютқазмайди, балки сўқирлик ва кўполликдан ўзини-ўзи муҳофаза қилишни гўё қонунлаштиради. Яъни унинг шеъриятидаги зоҳирий дунё, ботиний ҳақиқатлар оламини сир сақлашга хизмат этади. Сирга етиш, гўзаллик сирларини кашф айлашни эса ғофил кимсалар мутлақо ёқтиришмайди. Улар жўнликни, саёзликни яхши кўради. Сохта чечанлик ва жўнлик оломонга ҳамиша енгиллик беради. Шунинг учун у ўз шоири ёки ёзувчисини қўллаб-қувватлаш ва илҳомлантиришда бағоят ташаббускор. Бир пайтлар, шеъриятимизга етмишинчи йилларда ва ундан сал кейинроқ кириб келган истеъдодли ёшлар ижодига қарши кескин ҳужумлар уюштирилиши ва уларнинг миллатчилик ҳиссиётларни ёлқинлантирувчи шеърларини беписандлик билан танқид қилинишига асосий сабаб ҳам мана шу эди.

Ҳурриятчилик — шеъриятдаги энг устивор ва энг умидбахш йўналиш. Бу йўналишга қарши туриш ёки маълум бир вақт унинг ҳаракатларини сусайтириш мумкин. Лекин ҳеч қандай куч уни батамом тўхтатиш ва йўқотишга қодир эмас. Чунки Руҳ эркинлиги инсонни давр ва замоннинг ҳар қандай хавф-хатарларидан муҳофаза эта олади. Руҳан ва қалбан озод шахс — енгиш қобилияти шаклланган шахс. Унинг тик қоматини фитна ва бўҳтон, жаҳолат ва зулм тўфонлари бука олмайди. Ҳасад ва ғазаб тошларини у нокасликва ожизликнинг бир «туҳфа»си сифатида қабул қилади.

Саксонинчи йилларга келиб шеъриятимизда сўзнинг янги таъсир қувватини очиш, рамзлар, ишоратлар тили билан асрий ёлғон ва ҳақсизликларни фош этиш тамойили янада кучайди. Айрим шоирларни миллатчиликда айблаш хавфи хавф бўлмай қолди. Чунки узоқ муддат омма онгини чулғаб олган сиёсий хурофот аста-секинлик билан бўлса ҳамки, чекинишга бошлаганди. Бу ҳол энг шўропараст ижодкорларни ҳам бир қадар ҳушёр тортишга мажбур этди. Улар шеъриятдаги янги ва шиддатли мафкуравий тўлқин истиқболига аввал иштибоҳ ила қарадилар. Зарурият туғилганда, улуғ Чўлпон ва Фитрат меросини тўла оқлаш ёки уларнинг ғоявий-бадиий анъаналари давом топишига қарши эканликларини ҳам яширмадилар. Бундай шоиру ёзувчиларни қайта қуриш ва ошкоралик насимлари анча дадиллаштирди. Ва улар фикран, руҳан қайта янгиланиш азобларини хаёлга ҳам келтирмасдан, жуда моҳирлик билан замонга қайта мослашдилар. Орадан унча кўп фурсат ўтмади, ички, яъни виждоний мустақилликдан маҳрум айни шу шоир, шу ёзувчилар давлатимиз Мустақиллигининг «муҳофиз»лари қиёфасида минбарларда кўкрак кера бошладилар. Ҳолбуки, эрк ва мустақиллик учун куйиб-ёнган бўлса, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориф ва Рауф Парфи куйиб-ёнган эди. Шахс ҳуррияти ва Ватан озодлиги учун умрини тиккан бўлса, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим тиккан эди. Ёки Миразиз Аъзам, Чўлпон Эргаш, Омон Матжонга ўхшаш шоирларнинг шеъриятини холис баҳоламасдан, қандай қилиб одамларни Мустақиллик адолатига ишонтириш мумкин?

Мана, Усмон Азимнинг бултур чоп этилган «Сайланма»си. Китобдаги аксарият шеърлар яхши таниш — олдин ҳам ўқилган шеърлар. Лекин улардаги ҳиссиёт ўша-ўша: жўшқин ва табиий. Эҳтирос ўша: ёниқ ва шиддатли. Фикр шамойили деярли ўзгармаган: ишончбахш ва муросасиз.

Шеър ёзадиганлар кўп. Аммо севишга қодир, кўнглини ишқ ишғол айлаган шоирлар ниҳоятда кам. Усмонни Оллоҳ севгидан қисмаган. Шунинг учун унинг Кўнгли эркин, руҳи ва фикри эркиндир. Шунинг учун унинг энг яхши шеърларида ишқ ва эътиқод шуъласи порлаб туради. Эҳтимол мана шу учун ҳам Усмон Азимнинг «Сайланма»сини ўқиган шеърхон ташқи бир дунёга эмас, балки улкан бир шоирнинг Кўнгил боғларига сайру саёҳат қилгандай бўлади. Шу боғларнинг баҳорий манзара ва қувончларидан руҳланади, куз қучоғидаги ҳолатларига нигоҳ ташлаб гоҳ ҳазин, гоҳ ўйчан, гоҳ ғам-ғуссали хаёлларга берилади.

Қандай фикр ё ғоя илгари сурилишидан қатъи назар, шеър — ҳолат, кайфият, руҳоният суратларидир. Хусусан, руҳий идрок ва руҳий англаш майллари акс этмаган шеърнинг қуруқ ва яланғочлигига тоқат қилиш қийин. Усмон бу ҳақиқатни чуқур англайди. Унинг «Руҳга кўчдим — таним қолмади», дейиши ҳам шу ҳақиқатнинг бир эътирофидир.

Имом Ғаззолийнинг таърифлашича, «Руҳ инсондаги идрок қилувчи ва билувчи латифликдир». Усмоннинг олдинги ҳамма шеърий тўпламларига нисбатан «Ғусса» деб номланган мажмуасида ана шу латифликнинг миқёси кенг ва моҳияти теранлашган. «Сайланма»да ундаги шеърларга кенгроқ ўрин ажратилган ва тўғри қилинган. «Ғусса»дан танланган шеърлар Усмоннинг фикр-қарашларида кучли силжиш содир бўлганлигини англаш жиҳатидангина эмас, балки унинг шеъриятида сифат ўзгариши ҳосил бўлганлигини билиш маъносида ҳам диққатга молик.

*Ғам етди дил хилватларига,*
*Ёлғонларнинг шуъласи*
*сўнди.—*

дейди шоир. Ёлғоннинг ранги воқеликнинг қиёфасини ўзгартиради. Ёлғонларнинг шуъласи дунё ишлари ва инсон қисматига тўғри назар ила қарашга имкон бермайди. Ёлғон, шодлик ва «қувончнинг кўп зулмлари бор»лигини билишга йўл қўймайди. Балки шу учун у бошқа бир шеърида «Дўстлар, илиқ ёлғон комидан Ҳайданг — кузга чиқсин қалбингиз» дея «зариф ғусса жомидан» сипқоришга даъват этгандир.

Агар шоир басират нигоҳида ниманидир аниқ кўриш ёки дунёнинг мураккаб ҳақиқатларини тўғри ва теран ўзлаштиришни хоҳласа, унинг ақли ҳар турли ўткинчи даъволардан, кераксиз баҳсу мунозара қўзғовчи ҳиссиётлар, шайтоний майл ва сохта талаблардан фориғ бўлиб, мутлақ хотиржамликка етишмоғи шарт. Усмоннинг бир қатор шеърлари шундай хотиржамлик ва руҳни ёриштирувчи сокинлик шавқидан туғилган. У тазарру боғларига юз бураркан, қалб ҳаётидаги ўзгаришлар ва тушунчаларидаги эврилишларни ҳам шеърда моҳирлик билан акс эттиради.

*Кечиргин — эрк учун*
*талошганимни*
*Ва эрк сенлигингни*
*билмаганим-чун.*

Бу фикр — Тангрига илтижо. Ва айни пайтда у эрк учун талашмоқ, эрксизликнинг айни ўзи эканлигини англаган, бандасидан Эрку Озодлик кутиш бесамар иш эканлигини аниқ билган юрак иқрори эрур. Дарҳақиқат, Кўнгил учун Ҳақ ишқидан ортиқ ва бепоён ҳуррият йўқ. Энг сўнгги нажот ҳам инсонни абадият салтанати — Оллоҳ даргоҳига чорловчи шу ишқдир:

*Ишқ, сендадир энг сўнгги*
*нажот,*
*Узат, тоза дастингни*
*узат —*
*Сен йўқ жойда ғарибдир*
*ҳаёт,*
*Сен йўқ жойда кишандир*
*узлат.*

Биз «маъно» сўзини кўп тилга оламиз. «Маъно» тўғрисида тўхтовсиз гапирамиз. Аммо «маъно» бағрида яширинган маънолар билан деярли қизиқмаймиз. Маъно — тасаввуф шеъриятидаги бош сўз ва етакчи тимсоллардан бири. Шарқнинг буюк мутасаввуф шоирлари бу сўзни нукта, ҳақиқат, маърифат (ирфон), руҳоний илм, олам каби мазмунларда ишлатганлар. Аҳмад Яссавий муршидининг ўгитларини хотирлаб:

*Аё нодон маъно бул, деб*
*айтди билдим,*
*Ондин сўнгра чўллар кезиб*
*Ҳақни суйдим —*

деганида ҳақойиқи илоҳий ва маърифати руҳонийни назарда тутган. «Маъно»нинг асосий сифати — уни тўлиқ кашф айлаш ва очиқ-ойдин ифодалаш мумкин бўлмаган бир тилсим эканлигидадир. Зеро, чин ошиқларга кўра «Маънони билдим деган — билмас». Тасаввуфий маслакда, маънонинг зидди — даъво эрур. Даъво — қуруқ, зоҳирий ва илдизсиз билим — ҳақиқатдан йироқ бир иддао. Шу боис бошқа бир ҳақпараст шоир демиш:

*Бизга дийдор керак, дунё*
*кераkмас,*
*Бизга маъно керак, даъво*
*керакмас.*

Мустақилликдан сўнг ўзбек шеъриятида даъводан кечиб «маънога» юз буриш жараёни бошланди. Ҳали танқидчилик бу жараён билан қизиққани ҳам йўқ. Лекин мавжуд тажрибалар яқин келажакда мустақиллик даври шеърияти билан мумтоз шеъриятимиз ўртасида ирфоний ва руҳоний бир яқинлик пайдо бўлишидан далолат бериб турибди. Бу қуруқ гап эмас, балки юзлаб мисоллар билан исботланадиган ҳақиқат. Шундай шеърларнинг сара намуналари Усмоннинг «Сайланма»сида ҳам мавжуд. У бир шеърининг охирида ёзган:

*Ҳамма ўйим оқдир, бор*
*бахтим — қора,*
*Фақат ишқим покдир, фақат*
*дил — гадо.*
*Ё Оллоҳ! Ишқингнинг умиди*
*аро,*
*Оёққа илашган лойдай*
*сарсонман.*

Нажот ана шу умидворликда. Дил қувончи ана шу сарсонликда. Бугунги Усмон Азим бундан ўн йил ёки ўн беш йил аввалги Усмон Азим эмас. Ҳамма истеъдодли шоирларга ўхшаб Усмон ҳам китобдан китобга фикран бойиб, руҳан юксалди. Шеър ёзмоқ унга касбмас — қисмат.

Модомики, Алишер Навоий номидаги мукофот улуғ бобомиз ижодий анъаналарининг истеъдодли, ҳақгўй ва миллатсевар давомчиларига берилар экан, бизнингча, Усмон Азимнинг шу мукофотга муносиб номзодлиги ҳам шак-шубҳасиздир.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**филология фанлари доктори**

# Ойдай бедор юрак

**Асқад Мухтор шеъриятига чизгилар**



**«Вақт» ўз-ўзича ҳеч**
**нарса эмас,**
**«Давр» десак**
**исмли-жисмли.**
**Вақт қаритади,**
**чуритади, холос,**
**Давр — инсон каби**
**дардли, ҳуснли.**

Хотирамдан фаромуш бўлмишким, бу мисралар вақт оғушининг қайси асносида ёзилган бўлса? Менимча, бу муҳим эмас. Мен учун бу бизнинг бугунги дардли, ҳуснли, мислсиз маҳобатли Истиқлол давримиз таронасидир. Шеърият — шунчаки тарихий солнома эмас, балки ҳеч бир тақвимга сиғмайдиган тирик мавжудот. Шу боис муайян бир давр ва авлоднинг орзу-армонлари, изтироблари, дард-аламларининг бадиий ифодаси бўлган чинакам шеър замонлар оша янги-янги наслларга етиб боради, уларнинг «бугунги» ўйташвишларининг фалсафий-бадиий инъикоси янглиғ жаранглаб туради. Ажабки, тинимсиз оқаётган вақт даврнинг дард-ҳасратлариюю нашъу намоларини қаритолмайди, чуритолмайди.

Асқад Мухтор асарлари тагдор, тасвири сержилва. Уларда деярли ҳамма вақт таг матн мавжуд. У чизган манзаралар дафъатан қараганда сокин, вазминдай. Ҳолбуки, чуқурроқ кириб борилса, қаламга олинган «жўн», «одатий», кундалик ҳодиса ва воқеалар оқими замиридаги жараён бағри тубсизлиги, сертўлқин ва нотинчлиги аён бўлиб қолади. Шоир тасвирида қиёмига етмаган образ, дудмал фикр учрамайди. Унда шакл аниқ, мазмун қамровдор. Айниқса, мажозийлик кучли. Умуман, мажозийлик шеърнинг нафақат ҳусн-тароватi, балки жонидир.

**«ҚУЁШ БЕЛАНЧАГИ».** Ўн олти мисрадан таркиб топган бу шеърда баҳс мавзуи Қуёш, Ер, Инсон даҳоси ҳақида. Шеърни ўқиган киши беихтиёр Антей билан Геракл ҳақидаги қадимги юнон афсонасини эслайди. Денгиз худоси Посейдон билан Ер маъбудаси Геянинг ўғли, ливиялик паҳлавон Антейни яккама-якка курашда бирон куч енга олмаган. Чунки оёғи Ерда экан, у Замина — волидасидан битмас-туганмас мадад олади. Бу сирдан воқиф бўлган Геракл уни ердан даст кўтариб, ҳавода бўғиб ўлдиради. Антейни бўғиб маҳв этгани ва Прометейни қутқазгани унинг мислсиз ўн икки жасоратидан биридир. Шу зайл Геркулес ҳақидаги афсоналарда инсоннинг даҳшатли табиий кучларга қарши кураши акс этган. Бироқ «Қуёш беланчаги» шеъри маъбудалар, афсонавий мавжудот ва махлуқотлар, енгилмас қаҳрамонларни куйламайди. Унда Зевс, Гея, Антей, Геракл номлари йўқ. Шеър пўлатда, пахтада, нонда қўлинининг тафти бўлган оддий кишилар ҳақида. Асар мазмунидан Инсон даҳоси, унинг дасти шу қадар қудратли ва мўъжизакорки, қаршисида ҳар қандай фавқултабиий кучлар, афсонавий қувватлар ҳам дош беролмайди, деган маъно англашилиб туради. Шоир бунёдкорлик тимсоли бўлган қўлга қуллуқ қилади:

**Ишонгим келади гоҳ**
**фолбинларга,**
**Бахтдан сўзлар деса**
**одамнинг кафти.**

Ер ҳўкиз шохида туради, деган чўпчак устидан кулар экан, муаллиф **Ер Инсон кафтида** деган беназир ҳақиқатни илгари суради. Неча минг йиллар давомида инсон закоси Ернинг шаклу шамойилини аниқлаш, экватор ва меридиан чизиқларини тайин этиш, нафас олиш йўллари, ўқи ва «киндиги» (маркази)ни топиш, ҳароратини ўлчаш, вужудида кечаётган жараёнларни билиш ҳамда бошқариш калитини қўлга киритиш йўлларини қидирди, ҳамон қидирмоқда. Бу хусусда неча минглаб жиддий ва ножиддий чўпчак, афсона, фаразия, гипотеза, назария, таълимотлар тўқилди. Аммо ер куррасининг тақдироти одамзод измида бўлиб, уни турли бало-қазолардан сақлаш ҳаётий зарурат эканлигини бадиий йўсинда баралла айтиш, бу шафқатсиз ҳақиқатга эътиборни қаратиш йигирманчи аср шоирига насиб этди!

**ЧАҚМОҚТОШ.** Шоир ҳеч қачон ҳеч нарсани «бирон нарса» ёзиб қўйиш учунгина ёзмайди. Унда оний лаҳзаларда кечмиш шоирона руҳий кайфиятлар, илҳом жўшиши билан пайдо бўлган гўзал лавҳалар, эссе, рубоий ва мухтасар сатрлар ҳам йўқ эмас. Аммо Асқад Мухторнинг аксарият шеърлари муайян бадиий-фалсафий ғоя, яхлит адабий-эстетик мўлжалга асосланган тугал асарлардир. Ҳар бир асар чуқур, тагдор маъно-мазмунга, ўз «таржимаи ҳолига», адибнинг ўзга шеърлари қаторида аниқ, белгили ўрнига эга.

Асқад Мухторни шоир сифатида, инсон ҳаётининг мазмуни қизиқтиради, ўйлантиради, ташвишлантиради. У мудом «ёруғ жаҳонда яшашдан мақсад нима?» деган азалий ва абадий саволга жавоб қидиради. Бу саволни у бамисоли бир чақмоқтош сингари, ҳар хил муҳитларда синаб кўради ва уларнинг акс — садосига қулоқ тутади. «Тонг олдидан...» шеърида йигит кунда эрталаб соҳилга чиқади. Аммо у сўлим табиат тароватларидан маҳрум. Тиниқ сув, шудринг, майса, ғир-ғир эсаётган тонг насимидан баҳраманд эмас. Ҳар кун аҳвол шу. Бундай олганда, ҳамма нарса бежирим. Бироқ йигитнинг дили ёришмайди:

**Қуёши бор, ойи бору**
**Кўнгилга қил**
**сиғмайди.**
**Ўз уйида ёқилмаган**
**Чироғига йиғлайди.**

Этигинг тор бўлса — дунёнинг кенглигидан ёки уйингда чакса унинг бўлмагач — оламнинг маъмурчилигидан не фойда?! Муаллиф ўз ватанида мусофир бўлган ғариб йигит ҳолига ачинади, унинг ночор аҳволига ҳамдард!..

Шу тариқа, шоир ёқилмаган чироқ, беному нишон ўтиб кетган умр, йўқолган ёшлик, бой берилган саодатли дамлар, тақвимдан узилган варақ, қуёш ботиши сингари мунгли, баъзан мусибатли вазиятлар тасвирини қаламга олар экан, пок виждон, юксак эътиқод, фаол инсоний бурч, эзгулик учун кураш ҳиссиётини кўз қорачиғидек асрашга даъват этади.

«Эйнштейн қабримга оддий тош қўйинглар, деб васият қилган экан» деган сўзлар нақш — эпиграф қилиб олинган шеърдан:

**...Бахш этади инсон**
**бу оламга**
**Азиз онларини.**
**Ердан, гоҳо қалбдан**
**топиб берар**
**Олтин конларини.**
**Ёшлигини, эзгу**
**ҳисларини**
**Текин бериб кетар.**
**Қалб кўрини, кўз**
**нурини, ҳатто**
**Умрин совға этар.**
**Ҳуснин берар, кучин,**
**ҳаётини,**
**Барин беайирбош.**
**Ўз-ўзига тилаб**
**олгани-чи?**
**...Оддий бир тош.**

**ШЕЪР ВА ШАТРАНЖ.** Ровийлардан бири ғалат дебдиркм: шоҳмот ўйнаш — доналарни бўш катакларга суриш эмас, балки ҳамма гап — уларни **ўйнашда!**

Шоирнинг шеърий лафзида сўз қандайдир шартли тамға (иероглиф), маъно-мазмун ва туйғудан холи ашё, таъм-тузсиз, сезги ва ҳиддан холи жонсиз «унсур» эмас. Умуман, сўзлар олами бамисоли жонли мавжудотларга хос жамики сифатларга эга: масиҳий ва заиф, ҳаракатчан ва турғун, навқирон ва кекса, самимий ва сохтавор... Шундай экан, у сўзларни баайни жонзод деб билади: саралайди, силабсийпайди, ардоқлайди...

Шоир яратган образлар беватан эмас, доимо насл-насабли, «заминдор», миллий қиёфага эга. Табиат тасвири ҳеч қачон саҳна томошасида бўлгани сингари, шартли, жимжимадор эмас. Унинг тасвирида табиат ҳамма вақт жонли, ҳаракатда. Ҳужайра бўлинади, она қариб-чурийди, уруғ ёрилади, аммо бундай жараёнларнинг оқибати хайрли — янги вужуд, навниҳол дунёга келади, дейди шоир. Бироқ...

**Атом емирилади...**
**кейин нима бўлар?**
**Наҳотки, биз ҳали**
**билмаймиз буни?**
**Наҳотки, шу жойга**
**келиб бузилса**
**Она табиатнинг буюк**
**қонуни?!**

Аён бўладики, оддий табиий-биологик жараёндан «худди шундай» ташқи куч таъсирида амалга оширилган физикавий жараён бағрига кўчиларкан, фавқулодда ҳодиса рўй беради. Бу ҳол эса ғайритабиий ва ғайриқонунийдир.

«Мева» шеърида айтилибдирки: «...Фақат дарахт сиғар ўз мевасига!» Ҳа, шоир экиб кўкартирган улкан дарахт шажарадор. Унинг серҳосил шохлари етти иқлим адабиёти намуналарини ўзида акс эттиради.

Асқад Мухтор ижодида бир рубоий бор:

**Тоғдай қувонч ўтар,**
**биродар,**
**Тўнкадай хафалик**
**қилар ярадор.**
**Чунки тоққа**
**қоқилмайсан киши,**
**Тўнгакка қоқилиб**
**йиқилишинг бор.**

Тақдирни қарангки, қатор йиллардан буён, «тўнгакка қоқилиб!... шоир бемор... Шукрки, гўзал шеърлар айтиб, бизни ошуфта этган юрак ойдай бедор! Қолаверса, «Эзгулик палласи» шеърининг адоғида шоир эътироф этибдирким:

**Мен нима қилардим**
**агар яхши сўзлар**
**Енгиллатмасалар**
**юкимни,**
**Юлдуздай сеҳрли,**
**меҳрли кўзлар**
**Чароқлатмасалар**
**кўкимни,**
**Гоҳо кўнгил сўраб**
**дунёда дўстлар**
**Кўтариб турмаса**
**руҳимни.**

Вақти келарким, гоҳо зўраки чиранишларимиз барҳам топар, меъёрсиз эҳтирос ва жазавалар сўнар, кўра-била кўрмасликка ва билмасликка олишлар ҳам унут бўлар... Бу ёғи Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола. Албатта, шафқатсиз вақт синовига бардош беролмаган нарсалар қариб-чуриб, йўқ бўлиб кетиши табиий. Зотан, асли ўлик туғилган вужудга ҳеч ким жон ато этолмайди. Айни вақтда, хоҳ оригинал ижодда, хоҳ таржима санъатида бўлсин, сувлар тиниб, асл нодир жавоҳирлар ярқ этиб кўзга ташланиб қолар. Улар орасида ўзбек адабиётида бутун бир даврни ташкил этганлар қатори донишманд шоиримиз Асқад Мухторнинг чақмоқтошдек қатлари ўқилмаган қатма-қат ижоди янгидан-янги қимматларини топар!.. Шоирнинг ойдай бедор юраги буни кутаётир...

**Ғайбуллоҳ АС-САЛОМ,**
**профессор**

Фатҳиддин НАСРИДДИНОВ

## БОҒУ БЎСТОНИМ МЕНИНГ

Озоду обод маконим боғу бўстоним менинг,
Шодлигим бахтим, қувончим дил гулистоним менинг.

Сен билан умрим фаровон, сен билан кўркам жаҳон.
Сен билан лаззатли оним, шарафим-шоним менинг.

Мен сенинг меҳрингга қондим, чекмадим дарду алам,
Оташи ишқингда ёндим қайнабон қоним менинг.

Қанча хизмат қилсам оздир сенга жон айлаб фидо,
Тенги йўқ гулшан диёрим, Ўзбекистоним менинг.

Сен Темур, Бобур бобомлар шуҳратин ёйган Ватан
Ҳам Навоийнинг навоси тўла осмоним менинг.

Эрта-кеч бошим силарсан, отаю онам бўлиб,
Сен учун жонимни берсам йўқдир армоним менинг!

## ХАЛҚ ЙЎЛИДА

ТЕРМАЛАР

*«Олма» дема олмани,*
*«Олгин» деса ол, қани?!*
*Ҳаяллама тез олгил,*
*Деса агар «ол мани».*

*Сувни тўсиб димлама,*
*«Бери кел», деб имлама,*
*Юзингдаги холингдан*
*Ўпиб олсам индама.*

*Кўкда ойми, фонарми,*
*Фонар шундай ёнарми?*
*Муҳаббатга содиқ ёр*
*Ваъдасидан тонарми?!.*

*Белбоғим бор ўрама,*
*Мўйлавинг кўп бурама.*
*Хайр қилсанг бутун қил,*
*Тўйда тўнинг сўрама.*

*Тошқинсойга тош отма,*
*Тошиб бошинг йўқотма.*
*Дўстлик қадри баҳосиз,*
*Гавҳарни пулга сотма!*

*Пул-дунёга ҳирс қўйма!*
*Бой берсанг қовоқ уйма,*
*Қўлдан кетса омадинг*
*Заррача ёниб куйма.*

*Ошиқ бўлсанг ошиқма,*
*Шошилма ҳеч, тошиқма.*
*Нодонга кўнгил бериб,*
*Балоларга йўлиқма.*

*Шўр ерда гул унмайди,*
*Хасга булбул қўнмайди.*
*Шу замоннинг қизлари*
*Ёлғон гапга кўнмайди.*

*Том устига том солдим,*
*На чарчадим, на толдим.*
*Халқимга хизмат қилиб,*
*Бир олам дуо олдим.*

*Дуо олтин эмасми?*
*Ҳазилмас чин эмасми?*
*Ақли расо мард ўғил*
*Ўз ватанин демасми?*

ХАЙРУЛЛО

## УЧСАНГ ЎНГИМДА УЧ, ЗАНГОР ҚАНОТИМ



***

забт этгувчи тун бор сенга термулган
сувратга чамбарчас боғлиқ деразанинг у томонида
даъвоси бор ўзидай улкан бўлинмас холис
чироқни ўчир
у оғангга айланар сенга тутинган

ғафлат бор лаззатлар ато этгувчи
бағри кенг сўзни бағридай қучмас қучилмас
ҳадялари сеники бўлар шубҳасиз
кучоғингни оч чироқни ўчир
қўрқма
маҳбубангга айланар суйиб суйдирмас
ҳали босилмаган қадамларнинг зарби
бостириб кирганда бу салтанатга
пардаларни тушир фурсатни қизғон
боғлагин белингга маҳбубангнинг сочларини дарҳол
ва маҳкам қучоқла оғангнинг оёқларини
шунда ҳам тонг отса ғолиб саркарда
аксинг кетса тунга эргашиб
йиғлайман
ниҳоят гулладим туғилдим
беўлим туғилдим бу гал ҳам қайта

***

сен кимсан билмадим — нотинч қароргим
кўз чоғи туғилган гулимсан ҳайратсан балки
менинг зарра янглиғ Умидим баҳайбат Борим
беранг япроқларнинг арвоҳи каби чорлайсан
хотирнинг минг йиллик манзили Соғинч юртига
чора йўқ чора бор ибодат ибодат ибодат
«гулласанг ўнгимда гулла баҳорим
сўлсанг тушларимда сўлдирсин Худо»
сен кимсан билмадим — осий фаслимга
изимсиз имконсиз тўшалган тилларанг қайғу
энг гўзал хазинам болалигимнинг сояси
Эй Раббим
хотирнинг қуёшдай уйғоқ парчаси
тундай гўл аждарнинг туттани — шароб ё оғу
чорам йўқ чорам бор саодат саодат саодат
«учсанг ўнгимда уч зангор қанотим
синсанг тушларимда синдирсин Тангрим»
сен кимсан билмадим — доно тақдирнинг
ҳикмат ва лаззатга тўлган сўзсиз китоби
тайинки кўксимда гуллаган жавобсиз сўроғим
Балки ошиғимсан ҳабибим балки Ҳаводирсан ожиз Эҳтимол
чорам йўқ чорам бор муҳаббат муҳаббат муҳаббат
яшасанг ўнгимда яшагин жоним
ўлсанг тушларимда ўлдирсин Худо»

***

шундай
танаффус тугагандай туюлди менга
йиллар ўқидилар энг одил ҳукм
мен мудом бир сўз кутдим Кўкдан сарғайиб
алҳол куй ёғилди — танаффуссиз куй
эсладим!
тонг бизни муяссарлик бахтида кўрган
кўрган бахтнинг ғафлатда яйраганини
адашган — бахтдами ғафлат ғафлатмикин бахт
бир бутун нон берган минг йиллик тошдай
ойдай бўлиб бўлмас Қуёшдай мутлақ
унутилган исм бу унутилган таъбир
эҳ кўзлари кўр пурҳикмат тақдир
эсладим
маъюс суҳбатларнинг титроқларини
Тошкентда ёққан қордай оний—поёнсиз лаззат
кўзлар сезганмиди гапир Танаффус
тонг ҳиссиз тун ожиз кун йиғлаб видолар ўқишин
Тош эса...
дилга чўккач эса Тош ё Парвардигор
ёғса ёғаверсин биз севган ёмғир —
Муҳаббат муҳаббат муҳаббат

***

П. га

кетсак кетаверамиз
Тангри йўл берсин
зотан
хавотир эзғилаб ташлади бор-йўғимизни
кетсак кетаверамиз
бу бебош кўнгил
на тунга алданар — соҳир садоли
на куннинг бағрига сингади — инжиқ малика
хаёллар суюмли
хаёллар азиз
биз севиб қолганмиз Хотираларни
видодан сўз деманг
видо борлиққу
алҳол
биз энг гўзал видомиз
Тонгдан тун қадар
йиғлатиб чиқамиз борлиғимизни
кетсак кетаверамиз
Худо йўл берсин
дунё денгиз эса — ватан соҳилдир
денгиз сизу менга ваъда бергувчи
соҳил ваъдаларни бажаргувчидир
кетсак кетаверамиз
Тангри йўл берсин...

***

айбим —
дарахт эдим
илдизларим ёдимда эди ёдимда эди
йигирма тўрт гул ва бир куртак — очилмаган
на лаззатга на андуҳга эҳтиёжсиз бир дарахт эдим
кўрдим
изладим тангасин йўқотган бойдай — чорали
изладим ернинг етти қават тўни остидан илдизларимни
Менинг кутилмаган хазинам нега топилдинг
мен қачон кўкларга совургум сени
хаёлинг
ёдимда қаср қурди метин мустаҳкам
ўйладим фароғат сенинг ўйларинг
мен сенинг руҳингни мудом тоқ кўрмоқни тиловат қилдим
алҳол
вужудингни унутолмадим
савобим —
яшаяпман на тош на тарози
ёнишни ихтиёр этмакка ожиз
гуллашни истамоққа бир қадар эрта

1994.06.20 — 1995. 05. 22.
Киев

Неъмат АРСЛОН

## Айланар арзу само...

*Ҳикоя*

...минг тўққиз юз биринчи йил. Одамлар қаёққа кетаётганларини билмаган ҳолда югуриб боришарди. Аниқ мақсади ҳам, ихтиёри ҳам йўқ эди уларнинг

Қандайдир кўзга кўринмас куч издиҳом устидан ҳукмронлик қиларди. Ҳадемай уйлар, маҳаллалар, қишлоқлар ортда қолди. Сафлар лаҳза сайин кенгайиб ва кўпайиб борарди. Бетиним югуриш одамларни ҳолдан тойдирадиган бўлса-да, ҳеч ким бир-бирига ёрдам бермас, аҳволига қизиқмас ва ҳеч нарса сўрамасди, афтидан дам олиш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

Пўлат ҳам уйдан отилиб чиқиб оломонга қўшилди. Эшикни қулфламади, уй очиқ қолди. Атрофга кўз югуртириб жуда кўп таниш-нотанишларни кўрди. Улар орасида тенгдошлари ва қўшнилари ҳам бор. Қаёққа кетяпмиз, деб сўрамоқчи бўлди-ю ботинмади. Юзлари хомуш, жиддий, айримларнинг кўзларида ваҳима ва иложсизлик. Бундай пайтда савол бериш ўринсизлигини тушунди йигит ва ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасдан югуриб кетаверди.

Дунёдаги барча товушлар, шовқинлар ва ғала-ғовурлар тинган. Фақат қадамларнинг гурсиллаши, юракнинг дукиллаши, ўпкадан чиқаётган ҳарсиллаш эшитилади. Бозорлар, дўконлар, давлат корхоналари ҳувиллаб қолди. Одамлар оқими улкан дарёга айланди. «Ер чаппа бўлади» хаёлидан ўтказди Пўлат. Ҳамма бир нуқтага жамланса, Ер ўша томонга оғиб кетади ва биз улкан тоғорадан тўкилган шағалдек тубсизликка ағдариламиз».

Югуриб бораётган оёғи остида пилдираётган қандайдир оқ нарсани пайқади. Бу чангга ботган оппоққина ит эди. Шунда ортига ўгирилиб, оқимга жониворлар ҳам қўшилганини кўрди. Энди ернинг чаппа бўлиши аниқ. Издиҳомни тўхтатгиси келди, қичқирди, лекин овозини ҳеч ким эшитмади.

Уфқ қон тусига кирди ва лаҳза ўтмай оловранг шуълалар учиб, осмон новвот ранг олди, сўнгра қорайди. Одамлар бошига зулмат қўнди. Энди Пўлат ҳеч нарсани кўрмасди. Ҳатто оёғи остида чопиб бораётган оқ ит ҳам қоронғуликка қўшилиб кетди. Бу ҳол ажабланарли эди: «Юнглари қор каби оппоқ жонивор қандай қилиб қора тус олди ёки ўзи қорамиди аслида?». Миясига урилган саволга жавоб тополмади, қоронғулик ичидан Ундинани қидирди. Чунки қизнинг юзи дунёдаги бор оқликдан ҳам оқроқ.

Қиз анчадан буён унинг ёнгинасида югуриб келарди. Аммо Ундинанинг юзи ҳам итнинг юнгларидек қора бўлганлиги сабабли тун пардасининг қай даражада қалинлигини аниқлаш, ундан мезон сифатида фойдаланиш имкони бўлмади. Пўлат кўнглини ғаш қилаётган шубҳаларни қувиш учун унинг билагидан ушлади. Қизнинг кўйлаги ҳилпирар, сочлари ёйилиб кетган, ўзи ҳарсиллаб нафас оларди. Билаги иликкина. Томирларида ҳаёт дарёси гулдурос солиб оқиб турибди.

...Уфқ бўзарди. Субҳи козиб ўз ўрнини субҳи содиққа бўшатиб берди. Ҳаёт бу улуғ воқеани шарафлаб такбир айтди ва ниҳоят, Қуёш ярқираб кўтарилди. Қоронғулик чекинди. Ҳамма нарса ўз аслига қайтди. Оқ оққа, қора қорага ажралди. Энди Ундинанинг юзи барча оқликдан ҳам оқ, фақат туннинг сурмаранг бўёқлари унинг қошлари, киприклари ва сочларига суркалиб иниб қолгандай. Оқ ит уларнинг ўртасида югуриб борарди.

Тоғлар, далалар ортда қолди. Энди издиҳом бийдай теп-текис, учи-қироғи кўринмайдиган, ҳад-ҳудуди йўқ майдон ўртасида югуриб ҳаракат қиларди. Бундай жойда уй, чегара, давлат деган тушунча мавжуд эмас, фақат текислик, ихтиёри қўлидан кетган оломон ва жозиб куч бор.

Ногоҳ ҳаракат тинди. Сира кутилмаганда оқим таққа тўхтади. Пўлат оёғи учида кўтарилиб, бўйнини чўзганча олдинга қаради. Майдонда фақат қоп-қора бошлар кўринарди. Бамисоли шудгорда тарвузлар думалаб ётгандай. Аёлу эркак аралаш. Нима сабабдандир, ҳамма бир-бирини ушлаб турар ва бир-бирига томон интиларди. Ундина совуқдан титрай бошлади. Гарчи Қуёш чарақлаб турган бўлса-да, ҳаво салқин. Шунда Пўлат уни ўзига тортди. Қиз йигитнинг қучоғига кириб, унинг вужудига чиппа ёпишди.

Одамлар ҳайрат мақомига тушгандай қотиб қолган, кимнингдир буйруғини кутишарди. Шивир-шивир бошланди. Издиҳом юрагига қўрқув оралади. Дунёнинг четига келиб қолган бўлсак керак, ҳадемай Ер ағдарилади ва тубсизликка қулаймиз, деган гап оғиздан оғизга ўтди. Ундина нозик бармоқлари билан кўз ёшини артарди. Пўлат чўнтагидан рўмолча олиб узатди.

Ундина совуқдан ва қўрқувдан баттарроқ титрай бошлади. Пўлат унинг муъжазгина вужудига ўз ҳароратини бериш учун маҳкам қучоқлади, кейин гавдаси билан совуқ изғиринини тўсди. Шу пайт нимадир қаттиқ гурсиллади. Издиҳом бир қалқиб ўрнидан турди. Гурсиллаш иккинчи марта такрорланди. Издиҳом бир муддат титраб турди. Титроқ ички қўрқувнинг натижаси эмас, балки ташқи кучнинг талаби билан содир бўлаётганди. Учинчи гурсиллаш аввалгиларидан минг чандон қудратли эди. Пўлат вужудининг оғирлашиб бораётганини пайқади. Қўлини кўтаришга уриниб кўрди, уддалай олмади. Оёғини қимирлатиш, юриш учун қилган ҳаракати ҳам беҳуда кетди. Атрофга қараб бошқалар ҳам шундай ҳолатдалигини кўрди. Оёғи ерга михланиб қолганга ўхшайди. Издиҳом оғир қадамлар билан ер остида сирпана бошлади. Пўлат ҳам муз устида рақс тушаётгандай Ундинанинг қўлидан тутди-да, демак, буйруқ шу, деган фикр билан сирғалиб кетаверди. Аммо ихтиёри ўзида эмасди. Қандайдир куч ер остида ҳаракатланар, оёғидан тортар ва ўзи лозим топган тарафга қараб судрарди. Одамлар муз устида чанғи отаётган каби кенг доира ясаб бараварига айланмоқда. Пўлатга ёқмади бу, қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди. Ундинанинг қўлидан маҳкам ушлаганча тўхтатишга, куч таъсиридан чиқишга ва қизни бошқа ёққа бошлаб кетишга, ҳеч бўлмаганда ҳамма айланаётган томоннинг тескарисига қараб ҳаракат қилишга уриниб кўрди. Балки Ундинани ўша қудратли кучдан рашк қилган ҳамда қизнинг ихтиёрини унинг измидан озод этишга урингандир, аммо эплолмади. Энди издиҳом тескари томонга қараб айланарди. Пўлат бунга ҳам қаршилик кўрсатмоқчи бўлди-ю бари бир ҳамма қатори кўзга кўринмас куч бошқарган тарафга қараб ҳаракат қила кетди.

Тунда ут ёқиш, дам олиш ва овқатланишга ижозат берилди. Фақат шарт қўйилди: ҳамма қўлини таомга баравар чўзиши, тирсагини баравар букиши, бир вақтнинг ўзида оғзини очиши ва қошиқлар оғзига баравар кириб чиқиши керак. Овқатни чайнаш, ютиш ҳам худди шу тартибда бажарилиши керак.

«Начора, кўпга келган тўй», хаёлидан ўтказди Пўлат. Шундай оғир дамда ёнида Ундина борлигидан қувонди. Ширин хаёлларга берилди: «Бирга яшаймиз, бирга зангламиз ва бирга ўламиз. Ҳали ўлимгача вақт кўп. Унгача анча ишларни бажаришга улгурамиз. Ана шу ишларнинг энг муҳими, фарзанд кўриш ва кўпайиш. Кўпайиш учун вужудни бошқа бир вужудга пайванд этиш керак. Фақат бунга ижозат бормикин».

Йигитнинг хаёли бўлинди. Издиҳом оёққа қалққан, одамлар турган жойларида оҳиста тебранар ва осмонга қарашарди. Пўлат вужуди енгиллашиб бораётганини ҳис қилди. Ернинг тортиш кучи деярли сезилмасди. Ундина осмонга учиб кетмаслик учун унинг белидан маҳкам қучганча қийқириб куларди, ерга тегиб-тегмай турган оёқларини енгилгина типирчилатарди. Йигит эса осмонга учиб кетмаётганлигининг сабабини қизнинг оғирлиги ҳам ўз вазнига қўшилганидан деб, уни қўйвормасликка ҳаракат қилди.

Издиҳом ниманидир кутарди. Яна шивир-шивир бошланди. Осмонга учиб кетмаслик мақсадида ҳамма бир-бирини ушлаб олган. Мисли кўрилмаган улуғ воқеа юз бериши керак эди гўё. Пўлат боши узра чайқаб турган бўшлиққа қаради. Кўзи тиниб кетди. Осмон деб номланган буюк бўшлиқнинг четлари ернинг теграсига ёки уфқларда юксалиб турган тоғларга эмас, одамларнинг бошига тегиб турганини кўриб рубъи маскундаги бор халойиқнинг ҳаммаси шу ерга тўпланганини тушунди. Гўё одамлар боши билан осмонни суяб тургандай. Кутилган воқеа худди ана шу лаҳзада, яъни издиҳом кўкка боқиб ҳайратланиб турганда юз берди. Осмонда Ер курраси муаллақ турарди! Нима учундир Пўлат бу ҳодисани биринчи бўлиб ўзим кўрдим, деган хаёлга борди. Юрагига сиғмаётган қувончни ҳаммага эшитарли қилиб бор овоз билан қичқириб айтгиси келди.

— Қаранглар! Қаранглар! Ер курраси! Ер курраси! Курраи Замин осмонда учиб юрибди!

Йигитнинг нидосига ҳеч ким эътибор қилмади. Ҳатто Ундина ҳам ҳайқириқни эшитмаган, нигоҳини осмони ҳафтумга тикканча жилмайиб турарди. Шундай катта жисм қулаб тушса мисли кўрилмаган фожиа юз бериши мумкинлигини билишса-да, кимларнидир олқишлашар, кўм-кўк осмон сатҳида муаллақ турган куррага таҳсинлар айтишар ва бундай улуғ тарихий воқеани бошқа бирор халқ, ўзга авлод ёки аждод эмас, ўзлари кўришга мушарраф бўлганларидан фахрланишарди.

— Бу фирқанинг иши!

Пўлат қулоғи остида ана шундай деб шивирлаган кишига қаради ва дарҳол эътироз билдирди:

— Йўқ, халқнинг кучи.

— Нима билан исботлайсиз?.

— Халқ қудратли деб эшитганман.Қаранг, боши билан осмонни кўтариб турган ҳам халқ эмасми?!

— Тўғри, кўтариб турибди, аммо кучни қаердан оляпти? Бу томонини ўйлаб кўрмагансиз, ўртоқ. Халқ кучини фирқадан оляпти. Фирқа уни илҳомлантириб, сафарбар этиб, қувват бағишлаб турибди.

Пўлат бу одамнинг нуқтадонлигига, фикрни ихчаму ишонарли қилиб тушунтиришига қойил қолди-да, сўради:

— А... фирқанинг ўзи қаерда?

Нуктадон одам кўрсаткич бармоғини чеккасига тегдирди, «мана бу ерда» деди ва сўради:

— Аъзо бўласизми?

— Нимага?

— Фирқага.

— Қаерда аъзо қилишади?

— Истаган бошқўмда.

— Мен фирқанинг тарихини билмайман-да.

— Энди шарт эмас. Аввал кўп нарса сўраларди. Пўлат иккиланди.

— Ёки фирқанинг кучига ишонмайсизми?

— Ишонаман. Айтганингиздай, шундай оғир юкни халққа кўтартириб қўйган куч — фирқа беҳад зўр бўлиши керак.

— Балли. Уни кўтариш ва халқнинг гарданига қўйиш учун нафақат куч, балки бой тажриба ва билим керак.

— Бу худонинг кароматии. Пўлат энди ўнг ёнида туриб шивирлаётган одамга қаради.

— Ҳа, тангрининг каромати, — такрорлади кўринишдан телпакли михга ўхшаб кетадиган киши ва қўлларини осмонга чўзиб дуо ўқиётган каби шивирлай бошлади. Худди шу пайт миршаб либосидаги икки киши пайдо бўлди ва унинг қўлларини орқасига қайириб боғлади.

— Олиб боринглар. — Буюрди Нуктадон ва Пўлатга қараб «кўрдингми» дегандай жилмайиб қўйди.

Йигитнинг юрагига ваҳима тушди. Ундинанинг қўлидан тутганча секин одамлар панасига ўтди. Қизиқ бир ҳақиқатни англади. «Демак кишилар гапиришдан қўрқишар ва шу боисдан жим туришаркан». Ана шу фикр миясига урилиши ҳамон тилини тийишга, ҳеч ким билан сўзлашмасликка қарор қилди.

Ундина йигитнинг енгидан тортиб, осмонни кўрсатди. Улкан соққа майдон устига янада яқинлашиб келиб дам шарққа, дам ғарбга томон ҳаракатланмоқда эди. Соққа, яъни ер курраси қайси томонга ўтса, издиҳом ҳам ўша тарафга буриларди. Пўлат вужудида оғирлик дам ошиб, дам камаяётгани, гоҳида вазнсиз бир жисмга айланиб қолаётганидан ажабланди. Ногоҳ издиҳом ерга йиқилди. Пўлат ҳам Ундинани қучоқлаганча юз тубан ётди. Лаҳза ўтмай Қудратли куч кўзга кўринмас панжалари билан унинг елкасидан тутиб юқори кўтарди. Издиҳом ўрнидан турди.

Ер курраси пастлай-пастлай майдоннинг узоқ бир жойига қўнди. Пўлат секин бош кўтариб ўша тарафга қаради. Одамлар Куррага сажда қилишарди. Атроф теп-текис, энди осмоннинг четлари уфққа туташиб турганлигини кўриш мумкин. Ана шу уфқнинг бир четида Ер курраси кузги япроқдек титраб турибди.

Пўлат қўрқиб кетди. Чунки Ер куррасини қандайдир улкан мавжудот панжалари билан маҳкам чангаллаб турарди. Мисли кўрилмаган бу ҳодисага узоқ тикилиш мумкин эмасди. Ақлдан озиб қолмаслик учун кўзларини чирт юмиб бошини ерга, Ундинанинг ипак янглиғ майин сочлари ёйилиб ётган жойга қўйди. Сукунат. Фақат минглаб юракларнинг гуп-гуп... гуп-гуп... этиб урган садоси, томирлардаги қон дарёсининг шовуллаб оқиши эшитиларди. Худди шу пайт нимадир еру осмонни ларзага солиб гулдирай бошлади. Пўлат қулоқ тутиб гулдурос ичида товушлар, сўзлар ва маъно борлигини англади. Узича бу овоз Ота Гулдуросники деган хулосага келди. Хулосани ҳеч ким айтмагани, ўзи ўйлаб топгани ҳамда унга «Ота Гулдурос» деб ном берганидан қувонди.

— Нима қиляпсан, ўғлим? — сўради Ота Гулдурос.

Майдон титраб кетди.

Пўлат бу гапнинг ўзига ҳам, ерда юз тубан ётган халойиққа ҳам тааллуқли эмаслигини тушунди. Издиҳомдан ва Пўлат билган дунёдан ташқари эди бу гулдурослар.

— Ўйнаяпман, — жавоб берди бошқа бир овоз.

Бу сас Бола Гулдуросники эди. Момоқалдироқ гулдурагандай, осмон ёрилгандай бўлди. Аввалгисига қараганда кучсизроқ, майинроқ ва тиниқроқ бўлса-да, барибир жуда қудратли эди бу товуш. — Шу қадар қудратли эдики, майдонни тўлдириб ётган издиҳом ўрнидан турса, қўлини оғзига қўйиб карнай қилса ва бор кучи билан бараварига бақирса ҳам унга тенг келолмасди.

— Нимани ўйлаяпсан, ўғлим?

— Соққани.

— Қандай соққа ўзи бу?

Пўлат Бола Гулдурос ўйнаётган соққага қизиқиб қолди. Лекин бош кўтариб қарашга мажоли етмади. Жим ётиб қулоқ тутди. Бола Гулдурос жавоб қилди:

— Оҳанрабо.

— Булар-чи?

— Одамчалар.

Майдон қаттиқ силкинди. Ердан вулқон отилиб чиқаётгандай кулкиллаган, булкиллаган товушлар эшитилди.

— Ишонмайсизми? Мана, қаранг.

Майдон аввалгидан кучлироқ силкина бошлади.

— Кулманг, дада, одамчаларимни учириб юборасиз. Улар ҳозир ухлашяпти. Ана энди уйғонишди. Ишга боришяпти. Энди мажлисда ўтиришибди. Ҳозир тушлик қилишади.

— Уҳ, ичимни уздинг!

Шиддатли шамол издиҳомнинг бир қисмини супуриб кетмоқда эди. Буни кўриб, Пўлат Ундинани маҳкам ушлади. Қиз бутун вужуди билан титрарди. Афтидан ҳеч нарсани тушунмас, балки ота-бола ўртасида бўлаётган сўзлашувни бўрон ва зилзила деб ўйларди. Йигит унинг кўзларига тикилиб қараб шундан ўзга маъно кўрмади. Қудратли кучнинг ҳам устидан ҳукмронлик қилувчи куч мавжудлигини илғади, аммо қизга тушунтиролмади.

— Одамчалар дегин-а. Балки халқдир? Одамлар тўдаси халқ дейилади.

— Халқ. Лекин улар жуда тартибли, худди аскарларга ўхшайдилар. Қаранг, қандай интизомли. Ёт деса ётади, тур деса туради. Ота Гулдурос яна кулди.

— Тўғри, булар ҳақиқий одамлар эмас, михчалар, қистиргичлар, пўлат ва темир қириндилари, лекин худди одамлардай ақлли. Ҳамма машқларни бажара олишади. Мана, ҳозир кўрасиз.

Пўлат бошини кўтариб қарамоқчи бўлди-ю улгурмади. Шиддатли оқим уни майдон бўйлаб яшин тезлигида учириб кетди. Издиҳом зир югуришга тушди.

— Кўрдингизми? — мақтанди Бола Гулдурос қўлини мих остида ҳар томонга ҳаракатлантираркан. — Ҳатто бошлиқларини кўришмаса-да, буйруғини сўзсиз бажараверишади.

— Селфида! — қичқирди Ота Гулдурос, — қаранг, ўғлимиз нималар деяпти. Ўғлимизда биласизми нима бор?

— Нима боракан, дадаси?

— Раҳбарлик иқтидори бор. Ҳозирданоқ халқни бошқаришнинг рафтини оляпти.

— Қанақасига халқ бўлсин, темир тақалар-ку? Ота-бола бир-бирларингиздан қолишмайсизлар.

Бола Гулдурос соққани темир устига тарақлатиб ташлади.

Издиҳом титраб кетди. Майдон силкинди. Пўлат ва унинг атрофидаги одамлар бўйлари баробар кўтарилиб, яна ерга қуладилар.

Ота Гулдурос темир патнис устида сочилиб ётган «халқ»қа қараркан, хаёлига антиқа бир фикр келди. Оҳанрабо соққани қўлига олиб, диққат билан қаради. Сўнгра уни бармоғининг учи билан секингина туртиб ғилдирата бошлади. Пўлат ва темир қириндилар, михчалар шувиллаб келиб соққага ёпишарди. Ота Гулдурос анчагача бу машғулотдан кўнгил узолмади. Оҳанрабога қириндиларни ёпиштирар, қўли билан сидириб ташлаб соққани тунука устидан ҳаракатлантирарди.

— Ёш бола бўлинг-а, дадаси. Бир ҳududнинг эгаси бўла туриб темиртақа ўйнашингизни қаранг.

Ота Гулдурос хотинига қараб «жим» ишорасини қилди, сирли жилмайганча унинг қулоғига шивирлади:

— Кашфиёт!

— Нималар деяпсиз, қандай кашфиёт?

— «Б-М».

— Бюрократия Машинасими?

— Бошқарув Машинаси.

— Ё тавба! Қандай қилиб бошқарасиз?

— Мана бундай қилиб!

Ота Гулдурос чўнтагидан рўмолча олди. Соққани тунука устида бир-икки думалатиб қириндиларни унга ёпиштириб олди-да, рўмолчага ўраб чўнтагига солди. Сўнгра телефон дастагини кўтариб маҳкамага қўнғироқ қилди:

— Тезда ходимларни йиғинг, мажлис бўлади! Кейин Селфидага деди:

— Бугун ходимларга «Б-М»ни кўрсатаман. Ҳа, Бошқарув Машинаси менинг қўлимда!

...Юз берган кейинги воқеаларни баҳолашга Пўлатнинг ақли етмади. Ундинанинг қўлидан ушлаганча кутиб тураверди. Гулдурослар кучайди, ер титради, сўнгра осмон тобора пастлаб кела бошлади. Ваҳимага тушган издиҳом номаълум тақдир ва қоронғу келажак олдида титраб-қақшаб турарди. Тубсизлик қаърига қулаб тушмаслик учун ҳамма бараварига Ер куррасига ёпишди.

Пўлат издиҳомдан ажралиб қолишга, оломоннинг ҳеч бўлмаса бир қисмини тўхтатиб қолишга уринар, аммо уддасидан чиқмасди. Осмон тобора пастлаб келаверди. Энди унинг четларидаги кўк ва яшил чизиқлар, ўртасидаги чорхона шакллар ҳамда нимранг гулларнинг сурвати аниқ кўринарди. Ер курраси бир неча бор ағдарилди, оломон бир неча бор шовқин-сурон билан майдонга қулади. Издиҳом Ер куррасига янада маҳкамроқ ёпишиб олди. Пўлат билан Ундина ҳам улар орасидан ўзларига жой топиб, бутун вужудлари билан ерга қапишдилар. Йигитнинг кўзларидан юм-юм ёш оқар, даъватига қулоқ тутишни истамаган оломонни лаънатларди.

Шаҳрисабз

# УМРНИНГ КАМОЛОТ ПАЛЛАСИ

*Қутлаймиз!*

Бу истараси иссиқ, камтарин, дилкаш, самимий инсонни салкам йигирма йилдан буён биламан. Лекин у кишини дастлаб таниганимдан буён шунча вақт ўтиб кетганини куни-кеча билиб қолдим. Вақт шундай бир учқур отки, кўз очиб юмгунингча ўзинг у қадар истамаган, аммо етиб боришинг муқаррар бўлган манзилларга қандай етказганини сезмай қоласан. Ўша мен билган ажойиб инсон ва етук санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофотлари лауреати Турди Нодиров умр саҳифасининг олтмишини қоралаб улгурганини эшитганимда, йигирма йилга яқин муддат бир зумда ўтиб, ўзим ҳам шунча ёшга каттарганим хаёлимдан кечди.

Олтмиш йил инсон учун, айниқса, эркак киши учун айни кучга тўлиб, ижоди камолот поғоналарига кўтарилган давр. Турди Нодировда ҳам худди шундай. У кишининг юз-кўзлари, хатти-ҳаракатларида олтмишнинг аломатлари сезилмайди. Бунинг сабаби, аввало, у кишининг касбларига бўлган муҳаббатлари, чуқур қизиқишларида, деб биламан. Ҳали ўқувчилик йилларидаёқ фото тўгаракка қатнаша бошлаган, сурат олишга иштиёқ ўшанда куртак отган эди. Мактабни тугатгач эса кинооператор бўлишга аҳд қилади ва Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтига ўқишга киради. Тошкентга қайтгач, «Ўзбекфильм» киностудиясида оператор сифатида иш бошлайди. Олтмишинчи йиллар эди ўшанда. Шуниси қизиққи, у дастлаб суратга олишда иштирок этган филм бугун ҳам халқимиз томонидан севиб томоша қилинмоқда. Бу режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг «Маҳаллада дув-дув гап» филми эди. Ўшандан буён қанча сувлар оқиб ўтди, Турди Нодиров қўлида кинокамера билан қай ерларни кезиб, кимларни сувратга олмади, дейсиз! Муҳими, у ўзи билан Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар студиясида хизмат қилган ҳамкасблари қатори давримизнинг солномачисига айланди.

Солнома яратувчи! Айтишга осон. Аслида тинимсиз изланишлар, бедор туну кунлар эвази бу. Киношунос Ҳамидулла Акбаров бу ҳақда шундай деди: «Аввало, операторнинг нигоҳи ўткир ва сезгир бўлиши керак. Қолаверса, солнома яратувчининг савияси ниҳоятда баланд, ҳар бир воқеа-ҳодисага ҳаққоний баҳо бера оладиган бўлиши талаб этилади. Шунингдек: хроника ишлайдиган одам жамоат орасида кўп бўлиши, ижтимоий ҳаётга фаол аралашиши лозим. Мен Турди Нодировда ана шу юқорида зикр этилган барча хислатларни кўраман. У том маънода республикамиз ҳаётининг етук солномачиларидан биридир».



Ҳа, Турди Нодиров бундай даражага етиш учун катта ижодий мактабни босиб ўтди. Қайси бир филмини олманг, унда республикамиз ҳаётининг энг қайноқ нуқталари, энг олижаноб, меҳнаткаш кишилари тақдири ўз аксини топганини кўрасиз.

Агар «Зангори оловкорлар» тўлиқ метражли ҳужжатли филмида Бухородан Тошкентга газ олиб келган ажойиб инсон Искандар Дониёрхўжаев бригадаси меҳнати акс этган бўлса, «Биз 50 кишимиз» номли филми Бекобод металлургия комбинати ишчилари ҳақида ҳикоя қилади.

Филмлари орасида «Салом, «Баҳор»нинг алоҳида ўрни бор. Ўша вақтларда ўз санъати билан машҳур бўлган «Баҳор» ансамбли ҳали чет эл сафарларига чиқмаганди. Ушбу филм эса ансамбл учун йўлланма вазифасини ўтади. Уни томоша қилгандан сўнг чет эллардан таклифлар туша бошлади ва ансамбл 1964 йил илк бор Африка бўйлаб сафарда бўлди.

Қорақалпоғистон ҳақида туркум филмлари ҳам кенг томошабинлар оммаси томонидан яхши кутиб олинди.

Самарқандлик пиру бадавлат Эргашевлар оиласи ҳақидаги «Олтин тўй», 18 йил Колима қамоқхонасида бўлиб қайтган, совхоз директорлигига кўтарилган аёл ҳақидаги «Тожихон Шодиева билан учрашув», биринчи ўзбек мактаби битирувчилари тўғрисидаги «13 қалдирғоч», шунингдек, «Аския», «Тошкент — тинчлик шаҳри», «Устоз Алишер», «Канадада 8 кун», «Маҳмуд Усмонов ва унинг 100 шогирди», «Олтин Бенгалия», «Мирзачўл» каби ўнлаб филмлари халқимиз юрагидан жой олиб, санъатимизнинг зарварақ саҳифаларига айланди.

Т. Нодиров ижодида зиёлилар мавзуи алоҳида ўрин тутади. Бунга машҳур санъаткор Олим Хўжаев, устоз мусаввир Раҳим Аҳмедов, фанимиз заҳматкашлари Обид Содиқов, Собир Юнусов ва бошқалар ҳақидаги қатор филмлар ёрқин мисол бўла олади.

Йигирма йил давомида Афғонистонда бир неча бор бўлиб, кўплаб ҳужжатли филмларни суратга олди. Анъанавий Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинематографчилари Халқаро фестивалларининг деярли барчаси Т. Нодиров кинокамерасининг ноёб ленталарига муҳрланган.

Санъаткор ҳар қандай шароитда ҳам қўлидан кинокамерасини қўймади. Ҳатто 1976 — 1986 йиллар давомида ҳужжатли филмлар студиясига директорлик қилган йилларида ҳам ижодий фаолиятини бир зум бўлмасин сусайтирмади. У ҳамиша давлат ва жамоат ишларини ижодий фаолияти билан қўшиб олиб борди.

Турди Нодиров 1989 йилдан буён республика Видеомарказида ишлаб чиқариш бўйича директор муовини лавозимида ишлаб келмоқда.

Лекин бу ерда ҳам ижодни сусайтиргани йўқ. У ерда республикамизда ишлаган бадиий, ҳужжатли ва илмий-оммабоп филмлар видеотасмаларга олинмоқда. Шу кунгача 100 га яқин бадиий филмлар видеокассеталарга ёзиб олинди. Буларда, албатта, моҳир санъаткор Турди Нодировнинг катта хизматлари бор.

Ижодда, ишда кўпчиликка ўрнак бўлган бу одамнинг оиласи ҳам ҳавас қилса арзигулик. Рафиқаси билан биргаликда 3 қиз, 2 ўғилни тарбиялаб вояга етказдилар. Қизлари Ферузахон ва ўғиллари Даврон ота касбига тортишган. Феруза «Кино» журналида фаолият кўрсатаётган бўлса, Даврон Нодиров бугун том маънода ота изидан бораётган ижодкордир. Бутуниттифоқ Кинематография институтини битирган Даврон шу кунгача 3 та бадиий филмни суратга олди.

Т. Нодиров ёш кадрлар тайёрлаш ишига ҳам муҳим ҳисса қўшган ижодкорлардан. У 10 йил давомида ТошДУнинг журналистика факултетида киноҳужжатчилик мутахассислиги бўйича сабоқ берди. Ҳозир эса маданий-оқартув билим юртида ёшларга кино, видео сирларини ўргатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Турди Нодиров умрини зое ўтказгани йўқ. Бугун қутлуғ тўй кунларида ғалвир сувдан кўтарилар экан, унга илиниб чиқадиган салмоқли ишлари кўзни қувонтиради. Биз 20 йилча олдин дастлабки учрашганимизда қандай бўлса, Турди Нодиров бугун ҳам шундай содда ва моҳир санъаткор. Биз яна узоқ йиллар давомида у кишининг шундай меҳнаткаш, яратувчи, изланувчи инсон бўлиб қолишини, янги ижодий пиллапояларни забт этишини тилаймиз.

**Гулчеҳра УМАРОВА**




## ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Турли мамлакатлар ўртасида маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва халқаро алоқаларни янада кенгайтиришда давлатлараро ўтказиладиган маданият кунларининг алоҳида ўрни бор. Шу маънода республикамизда ўтаётган Германия Федератив республикаси кунларига ҳам қизиқиш ғоят катта бўлмоқда.

«Баҳор» концерт залида ўтган тантанали очилиш маросимидан сўнг Германиядан ташриф буюрган чолғу гуруҳининг концерти бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик мусиқа шинавандалари гуруҳ дастурини қизиқиш билан қарши олдилар.

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида уч кун давомида немис кино ижодкорлари томонидан суратга олинган «Каспар Хаузер», «Биз бошқасига ҳам қодирмиз», «Ваъда», «Трансатлантик», «Тўтиқуш» деб номланган филмлар намойиш этилди. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада эса рассом Генрих Бёлл ҳаёти ва ижодига бағишланган плакатлар кўргазмаси очилди.

Ушбу маданият кунларининг ўзига хос томони шундаки, дастур мавзулари ниҳоятда ранг-баранг. Унда мусиқа, театр, кино, тасвирий санъат, архитектура, маданият тарихи билан бирга, адабиёт, этнография, шарқшунослик, экология, менежментга оид тадбирлар ҳам ўрин олган.

Агар мусиқа ихлосмандлари «Георг Гласл» бавария камер квартети, «Сингур Пур» солистлар вокал гуруҳи, поп ва рок гуруҳи ҳамда немис органчиси Михаэл Шёнхайт концертларидан баҳраманд бўлсалар, театр мухлисларини «Каттуркарт» шакллар объектив театри жамоаси ўз спектаклига таклиф этади.

Ўзбекистон Тарих музейи, давлат Санъат музейида намойиш этиладиган Ўрта Осиё тарихига оид фото ҳужжатлар кўргазмаси, 60-йиллар немис графикасидан ҳикоя қилувчи экспонатлар, атроф-муҳит мавзуидаги «Бўлмоқ ёки йўқ» фотокўргазмаси, Кэте Коллкитцнинг «Графика ва пластика» деб номланган кўргазмаси ҳам ўзбекистонлик санъат мухлисларида яхши таассурот қолдиришига шубҳа йўқ.

Шунингдек, менежменд ва иқтисодиёт, атроф-муҳит, шарқшунослик мавзуларида маърузалар ҳамда машҳур немис ёзувчи ва танқидчилари билан учрашувлар ҳам қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Муҳими шундаки, Германиядан ташриф буюрган меҳмонлар фақат пойтахт билан чекланиб қолмай, Самарқанд, Бухоро, Хева каби шаҳарларда ҳам бўлиб, ўзбек меҳнаткашлари билан қизиқарли учрашувлар ўтказадилар.

**Ўз ахборотимиз**

# МЕҲНАТ ВАСФИ




Бу китоб оддий меҳнат аҳли шаънига битилган бир тарона. Мамлакат ободлиги, эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилган заҳматкашлар, дарғалар юлдузмисол эл назарига тушганлар ҳақида.

Бугун собиқ шўро даврида ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида ҳалол меҳнат қилган қаҳрамонлар шуҳрати ўз-ўзидан пасайиб қолгандек... Улар меҳнат қаҳрамонларимиди ёки сохта қаҳрамонлар?! Аслида қуллик кишанлари билан боғланган қўллар ўша даврларда ҳам она еримизни яшнатади, ҳам марказдаги тўраларни кишнатади. Бунинг учун кетмон захмидан қадоқ бўлган, кишан зарбидан чақа бўлган меҳнаткаш қўллар айбдорми?! Йўқ, албатта!

Мутеъликдан Мустақилликкача бўлган давр қаҳрамонларининг ҳаётлари оддий замондошларнинг тақдиридан мураккаброқ, чигалроқ, йўқотиш ва фожиаларга бойроқ (Бу алоҳида мавзу!) Бироқ улар бошқалардан кўра иродалироқ, некбинроқ, ишонувчанроқ ва... яхши ишлаб, фаровон яшашга иштиёқманд табиатли кишилар эдилар. Шунинг учун ҳам нозик-ниҳол неча-неча қизлар бесўнақай тракторларни уй тутишди, не-не қирчиллама йигитлар бор меҳр-муҳаббатини тақдир даштига беришди... Ана шундай яшашдан лаззат олишди, бир саробий, бир улуғвор руҳ топишди...

Бундай фахрий қаҳрамонларимизнинг ҳаёт дафтарларини варақлаб, ҳар қандай ҳолатда ҳам уларга қанот бўлган кўтаринки кайфиятлари, нафаслари, минг ташвиш ичида ҳам ўзини хурсанд қилишга, ночор ва яқин одамларга меҳр-оқибат кўргазишга улгурган ҳаваслари билан танишиш бугунги янги авлод учун ҳам бир ибратдир.




Журналист Юсуф Бердиевнинг «Қашқадарё қаҳрамонлари» деб номланган бадиий-публицистик китоби юқоридаги эзгу мақсад йўлида яратилган мажмуа. Унда вилоятдаги қирққа яқин меҳнат фидойиларининг фаолияти ҳақида сўз боради. Журналист ана шу номдор қаҳрамонларни бизга қайта таништиради. Бу издиҳом зерикарли ўтмаслиги учун муаллиф китобини гоҳ суҳбат, гоҳ хотира, гоҳ баён, гоҳ тасвир, баъзан далиллар, баъзан шеъий нутқ билан тахлайди. Рассом Маҳмуд Жўраев чизган портретларда қаҳрамонларнинг ички дунёларига ишора чизиқлар бисёр. «Чўлпон» нашриётида 3000 нусхада чоп этилган китобнинг масъул муҳаррири Нурали Қобул.

**М. МУРОДОВА**

**Руслан КИРЕЕВ**

# ВИКТОР ГЮГОНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ХУШТОРИ

**«Радди маърака» романида сиру асрорлар, жумбоқлар нечоғли кўп бўлмасин, муаллиф сабр-қаноатли ўқувчининг қулфи дилини очиб, буларнинг ҳаммасини пировардида рўйи рост тасвирлайди. Аммо битта сир ҳануз ниҳонлигича қолмоқда.**

Романнинг иккинчи қисмини очинг-да, «Кичик Пикпюс» деб аталмиш аёллар монастирининг тасвирига бағишланган бўлагини яна бир карра диққат билан ўқиб чиқинг. Ёдингизда бўлса, сургундан қочган Жан Волжан изқувар Жавега чап бериб, ундан қутулиш ниятида, тунда том ошиб ана шу монастирга кириб қолганди. Аввало шуни таъкидлашимиз лозимки, ибодатхона шу қадар ижикилаб тасвирланганки, монастир ҳаётини обдон билган, ҳар куни унинг қозонида қайнаган кишигина ана шундай ёзиши мумкин эди: ҳолбуки, романнавис ибодатхона ҳаётини билмаган ва билолмасди ҳам, чунки аёллар ибодатхонасига эркак зотининг кириши ман этилган (архиепископгина бундан мустасно) эди.

Жумбоқнинг асли мағзи шундаки, бу саҳифаларни бошқа бир одам ёзганки, унинг услуби Виктор Гюго маҳорати қадар тиниқ ва залворли эмас. Гўёки, гўзал юздаги ҳуснбузардек адабий яхлитликка путур етган...

Бироқ ана шу масъум ва содда тасвирларга ўқувчи кўпроқ ишонадики, ушбу одми сатрларни адабиёт майдонида шердек наъра тортиб турган паҳлавон эмас, балки Аллоҳ уйининг бандаи ожизаси битган деган таассурот қолади.

Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди... Демак Гюго, ўзганинг матнидан фойдаланган эканда! Наҳотки, ҳеч қачон ўзгалар сатрига, ҳаттоки, битта ҳарфига ҳам имзо чекмасликка онт ичган ўша Гюго-я?! Наҳотки, Гюго ўз эътиқодидан чекинган, наҳот ўз аъмолига хиёнат қилган бўлса?... Ёки бирор бир сабаб туфайли ушбу матнни бировнинг матни деб ҳисобламаганмикан? Хўш, қандай сабаб бўлиши мумкин? Шу сатрлар муаллифи бўлмиш аёл ўз умрини адиб йўлида тиккани учун ҳам, романнавис уларни бегонанинг битиклари деб ҳисобламаганмикан?

Ҳамонки, шундай экан, «ўшал беминнат ёрдамчи ким бўлди экан?» деган савол кишини қизиқтиради.

Бу аёлнинг исми шарифи Жюлена Говен эди. Уни шундай деб атасалар-да, «Радди маърака» романининг сирли ҳаммуаллифи дафн этилган қабр тошига бошқа исм ўйиб ёзилган — «Жюлетта Друэ».

Бу Жюлена Говеннинг тахаллуси эди. Тикувчининг қизи узоқ тараддуддан сўнг артистлик касбу корини танлади. Саҳна йўлини ихтиёр этган қиз тақдир тақозоси билан монастирга тушиб қолди. Ота-онадан ёш етим қолган қизгина бир неча йил худо йўлида сидқидил хизмат қилди. Унинг эзгу аъмоли ўзини Аллоҳга бахшида этиш эди-ю лекин қисмати бошқача бўлди: бешафқат ҳаёт уни лаззат ва шаҳват комига отди. Бетайин бир ҳайкалтарошдан қиз кўрди. Унинг гўзал қоматидан андоза олиб асарларини яратган тоштарош, табиийки қизга уйланишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Сўнг... сўнгра аёл қўлма-қўл бўлиб кетди.

Ишрат кечаларининг офатижони ва ўртамиёна актриса Жюлетта Друэ — Гюгонинг бирор саҳна асарида арзимас бўлса-да, қандайдир сиймо яратиш иштиёқида ёниб юрарди...

Шундай саҳна асари топила қолди. Бу Гюгонинг — «Лукреция Борджа» деб аталган насрда ёзилган биринчи пиесаси эди. Воқеа Италияда XV асрда кечади. Асарда Папанинг беникоҳ туғилган қизи тақдири хусусида ҳикоя қилинади. Шуни таъкидлаш жоизки «муҳаббат фарзанди» бўлмиш бу қиз кўз кўриб, қулоқ эшитмаган золимлиги туфайли ҳам алал оқибат «илоҳий княгиня Негрони» қасрида тиғдан ўтказилади.

«Илоҳий» сифатини муаллиф репетиция вақтида княгиня (сирасини айтганда арзимас рол) сиймосини яратаётган Жюлетта Друэни кўрган онида қўшиб қўйган дея тахмин қилиш мумкин.

— Гап ўртамизда қолсину, — Гюго тилидан тан олади, — пиеса қаҳрамони — бу гўзал дилимни ўртаяпти.

Премера 1833 йилнинг 2 февралида катта шов-шув билан ўтди. Шундан икки ҳафта ўтгач эса масленница байрами авжига чиққан тунда улар илк бор бир-бирларининг васлларига етишдилар.

«Азизам, севгили маҳбубам, ўша тун ёдингдами?...».

Бу гал энди Гюго, қаҳрамони тилидан эмас, балки рўйи рост ўз номидан айтмоқда: орадан бир неча йил ўтиб, ўша унутилмас кечани ёдга олиб у Жюлеттага йўллаган мактубида ушбу оташин сўзларни ёзган эди.

«Ўлим билан юзма-юз келганимда ҳам бу воқеа хотирамдан учмайди. Ўша тундаги дақиқалар ҳали ҳозир ҳам тасаввуримда бамисоли чақноқ юлдузлардек, бамисоли кўнглим осмонидаги ситоралардек порлаб турибди».

Мактуби давомида Гюго, «сенинг ҳаётингни остин-устун қилиб юборган ўшал сирли онларни унутма!» — деб илтижо қилади.

У ўзи хусусида лом-мим демай, фақат аёл ҳақида сўзлайди. «Ўша тун сенинг руҳинг ва вужудингдаги фараҳли туғённинг рамзи ва айни вақтда дебочасидир».

Хўш, адиб ҳаётида-чи? Бу хусусда мактубда бирон сўз ҳам айтилмаган. «Ўшал сирли онлар» гарчи унинг борлиғига янги оҳангдек қуйилиб кирган бўлса-да, аммо ёзувчи ҳаётини ўзгартира олмади. Ҳамма нарсани бўрттириб кўрсатишга мойил бўлган Гюгонинг ўзи ҳам буни эътироф этарди. Адибнинг ҳаёти ўз маромида кечарди. (Шунчаки кечмай, адабий фаолияти ҳам, ўзи тобора ружу қўйиб бораётган сиёсий аъмоли ҳам жўшиб, қайнаб-тошиб турар, унинг янги маҳбубаси адибнинг оилавий бахтига ҳаттоки, соя солишни ҳам истамасди). «Мени деб, ўзингга сира-сира жафо қилма», — деб қайта-қайта уқтирарди аёл. Кунлардан бир кун рафиқаси ва болалари Парижда йўқ эканларида ёзувчи аёлни уйига бошлаб келди.

Эртасига Жюлетта ўзига шунчаки эътимоди баландлигидан адибдан миннатдор бўлар экан, кўнглида ўзининг «хору зордек, оёқ ости бўлгандек» ҳис этганидан дили озор топади.

«Ўртамиздаги жар тобора кенгайиб бораяптимикан, бошимизга айрилик тушмасмикан?.. Сизга бегона бўлиб қолаётибманми?!»

Худо ҳофиз, бу гина-кудурат эмас эди, асло. «...дардкашим, севгилим, бунда сизнинг айбингиз йўқ. Мен ҳам гуноҳкор эмасман. Ёзуғим шу экан-да... агар жиндеккина бўлса-да, менга раҳмингиз келса, шу ботқоқдан мени қутқаринг, мен шўрлик чўрини балодан халос этинг. Ахир, ҳар кимларга муте жориянинг юраги ҳам, вужуди ҳам тилка-пора эмасми?!».

Жориялик жонига теккан аёлнинг бундан буён ишрат кечаларининг маликаси бўлишга сира тоқати қолмаганди. Лаззат илинжида аёлни дуру жавоҳирларга кўмиб, сўнг эса ҳоли жонига қўймаётган «бойваччалар» кўнглига зиғир ёғнинг доғидек урди. — «Эндиликда борига барака қилиб яшамоқчиман», дейди аёл ёзувчига. Унинг имдоди адиб қалбини ларзага солди. Шу тариқа аёл учун янги ҳаёт бошланди.

Улар ҳаётига оид ҳақиқатан ҳам ҳайратомуз, ҳақиқатан ҳам ноёб бир ҳужжат сақланиб қолганки, одам Отадан бошлаб севги достонида ҳали бунақаси сира бўлмаган.

«Кеча 1834 йилнинг 3 июл куни кечқурун соат 10 яримда «Франсия қалқони» меҳмонхонасида дунёдаги ҳеч бир аёл, мендек бахтиёр ва масрур бўлмаган...ушбу битик дил розимни тасдиқлайдиган ашъёвий далилдир. Шу дамда ёзилган бу ҳужжат то умримнинг охиригача ўз кучини йўқотмайди. Вақти соати етиб, ушбу ҳужжат кўрсатилган куни, юрагим сени деб ураётганини, сенинг меҳру муҳаббатинг билан тўлиб-тошиб турганини тасдиқлаб, айни шу юраккинамни сенга армуғон этгумдир».

Шоир бунга жавобан фақат ўтли сатрлар битиши мумкин эди. Виктор Гюго шундай қилди ҳам. Ўша жойнинг ўзида, ўша сонияда байтлар битди...

«Сен ўшанда қучоғимда эдинг, Юрагимга жўр бўлиб қўшиқ куйлардинг. Сен туфайли яралган мисралар-ку жўн эди-я, аммо ўзинг уларга жон ато этдинг. Сен эй, нозанин дилбар, ёнингда ёзилган бу сатрларни у дунёю бу дунё унутма!».

Ўрталарида севги достонининг бошланганига ўн йилдан ошиб борарди...

1834 йилда қизининг сувга чўкиб кеттани ҳақидаги машъум хабарни эшиттан куни Гюгонинг ёнида ўз рафиқаси эмас, балки Жюлетта дардкаш бўлганди. Бу аёл адиб ҳаётидаги энг қийин сония ва соатлар, энг оғир кунларда доимо унга ҳамдард бўлди. У ёзувчининг қўлёзмаларини оққа кўчирар, зарур пайтда маслаҳатини дариғ тутмас ва кўпинча адиб уларга қулоқ тутарди...

«Ҳа, ҳа, мен сенинг хотинингман, шундай эмасми, азизим? Сен уялмай-нетмай мени рафиқам деб аташинг мумкин. Бироқ, аввaламбор, мен сенинг маъшуқангман. Маъшуқанг бўлиш ва айнан ана шугина менга ҳаммасидан ҳам қадрлироқ ҳамда бир умрга худди шундай бўлиб қолишини истайман».

Оврупо анъаналарига кўра ҳарқалай, эркак кишининг рафиқаси битта бўлиши раво кўрилса-да, истаганча маъшуқа тақиқланмасди. Айниқса, Гюгодақа мижозли эркак учун бу мумкин эди. Дунёнинг пасту баландини кўп ва хўп кўрган Жюлетта Друэ эса буни яхши фаҳмларди. Шаллақилик қилиш, жанжал чиқариш аёлнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди. Аммо у «Хиёнат қилганингни сезган кунимоқ ўлиб қоламан», — дея адибни огоҳлантирарди.

Бироқ биринчи ва ҳаттоки иккинчи хиёнатдан кейин ҳам у тирик қолди. Шуниси борки, Жюлеттанинг қўлида куракда турадиган ҳеч бир далил исботи йўқ, аёл уларни изламасди ҳам.

Далилу исботларни унга ўзгалар келтириб бердилар. Кунлардан бир кун Гюгонинг кўп йиллик қадрдон яна бошқа бир маҳбубаси меҳру муҳаббатга тўла адиб ёзган мактубларни пакетга жойлаб, қизил ипак тасма билан боғлаб рақибаси бўлмиш Жюлеттага жўнатди. У мактубларни ёлғизликда ўқиб чиқди. Бечора аёл хўжасининг талаби билан тарки дунё қилган роҳибалар сингари узлатга чекинган эди. У хатларни ўқиб битиргач, уст бошини ечмаёқ диванга ётиб қолди. Шу ётганича икки кечаю икки кундуз ўрнидан турмади. Сўнг эса, бюро* ёнига ўлтириб, қўлига қоғоз ва қалам олиб шуларни ёзди: «Хиёнатинг далилларини келтирган ўша берахм аёлдан мен жуда миннатдорман. Етти йил бадалида уни қандай севганингни билдириш баробарида у юрагимга ханжарни то бандигача ботириб санчди. Гарчи у ҳаёсизларча тинчимни бузиб, шафқатсизларча дилимга наштар урса-да, ўз юмушини ҳалол бажарди. Бу аёл жаллодлик вазифасини жуда ўринлатди. Унинг ҳар бир зарби аниқ нишонга олинган».

Ўрталарида севги достонининг бошланганига 20 йил тўлаётган эди.

Йигирма йил... Бу давр залвори Гюгонинг бошқа аёллар билан муносабатини ўз-ўзидан пучга чиқарарди. Адибни ўзга ҳеч қайси аёл бунчалик узоқ муддат ром этмаганди. Албатта, рафиқасидан ташқари. Суққабош Жюлетта учун эса оила муқаддас эди.

«Азизим, севгилим, мендан ҳеч хавотирланма. Оиланг, рафиқанг ва жигаргўшаларингдан меҳрингни дариғ тутма. Яқинларининг бахти саодати йўлида ўзингни ўққа-чўққа уришингни ўйлаганимда сенга бўлган меҳрим янада товланади. Ҳамонки сен ҳозир шу ерда экансан, бутун борлиғингни садоқатли ва мард хотинингга бағишла... Қўлингдан келганича уни юпат ва кўнглини ол, меҳру мурувватингни аяма, у шунга лойиқ. Вақти келиб менинг сабру бардошим тугашидан сира чўчима».

Бу аёл адибнинг оилавий бахтига путур етмаслиги учун қўлидан келганини қилди. Эр-хотин Гюголар ҳарқалай тотув яшашди. Лекин улар ўртасидаги муносабат аллақачондан бери эру хотинчилик эмас, балки эски қадрдонлар, дўстлар, бошига кулфат тушган ўртоқлар ўртасида ришта эдики, бу, айниқса, Луи Наполеон Бонапарт тахтга чиққанидан кейин нотиқ ва исёнкор Гюго узоқ йиллар давомида Франсиядан бош олиб кетишга мажбур бўлган йилларда яққол кўринди.

Хотини Парижда қолди, Жюлетта эса, ўйлаб-нетиб ўтирмай унинг кетидан эргашди.

Ўрталарида севги достонининг бошланганига 30 йил тўлаётган эди...

Орадан кўп сувлар оқиб ўтди: энди Жюлеттани Гюгонинг хонадонига расман таклиф қилиб туришарди. Аввало уй бекаси таклиф қилди. Лекин аёл астойдил миннатдорчилик билдириб, бундан буён зиёфатларга хуши йўқлигини айтиб беозоргина рад жавобини берди. Шундан кейин оила бошлигининг ўзи ҳам уни чорлаб чақирмоқчи бўлди.

На роҳиба, на актриса бўла олган аёлнинг жавоби қойилмақом бўлди:

«Ижозат берсанг, — деб ёзди у, — ана шу бахт-саодатли мартабадан воз кечсам. Ҳам сенинг, ҳам ўзимнинг хонадонимга мана ўттиз йилдирки, гард юқтирмасликка уриниб, чакки қадам босишдан ўзимни тийиб келаяпман. Ҳар иккала хонадонга ҳам ҳурмату эътиқодим бекиёсдир. Умр бўйи авайлаб келган эътиқодимга дарз кетмасин, муҳаббатимнинг шаъни беназир мулкимдир».

Ушбу хат ёзилганидан сўнг уч йилча ўтгач Виктор Гюго бева бўлиб қолди.

Шундай қилиб, Жюлетта Друэ адибнинг ёлғизига айланди. Ҳақиқатан ҳам ёлғизимикан? Бунчалик эмасдиров?

Шанба кунларининг бирида ака-ука Гонкурлардан бири (улар машҳур «Кундаликлар»нинг муаллифларидир) улфати билан бева адибнинг зиёратига отланишди.

«Ёзувчисини кошонасининг данғиллама хоналаридан бирида учратдик: жавонлар худди емакхонадаги жиҳозлар каби оч жигар рангида эди. Камин токчасини иккита хитойи чинни лампалари безатган, улар ўртасида эса арақ шишаси «кўр» тўкиб турарди. Пири комил ёзувчи атрофида гўзал қизу жувонлар гирди капалак бўлишарди».

Ахлоқ-одобни қаламга олишда пихи қайрилиб кетган Гонкур учун ёзувчи гўшасида аёллар базми шунчаки бир ҳаёт кўриниши бўлиб туюлса-да, у ўз уйига қайттач, кундалигига кўрганларинин кўпиртириб ёзиб қўйса-да, аммо Гюгонинг ёши ўтинқираб бораётган маҳбубаси учун азоб эди. Кекса беванинг «беозор» шўхликлари аёлнинг сабр косасини тўлдириб борарди.

«Бўлди, бас! Ошуфта кўнглимни муттасил зардобга тўлдириб турган бу азобу уқубатларни энди кўтаролмайман. Адибни домига илинтирмоқчи бўлган аллақандай сатанглар келиб-келиб менинг тенгим бўлдими?.. Етар энди, дилим қулфининг калитини остонам тагига кўмиб, бошимни олиб кетганим бўлсин».

Яшириб ҳам қўйди, жўнаб ҳам кетди. Хуллас сентябр ойининг бир кунида Жюлетта ғойиб бўлиб қолди.

Видолашув хатини ўқиб чиққач, кекса арслон аламдан юракбағри ўртаниб ўкириб юборди. Виктор Гюгонинг кундалик дафтарида ушбу фожиавий соатлар сонияма-сония ёзиб қўйилган. Ёзувчи ўзи сезмаган ҳолда ой ва кун санасини ёзди ва ҳаттоки соат етти ярим эканини ҳам унутмади: «Фалокат! — бироз ўйлаб тургач қўшиб қўйди, — ҳаяжондан жоним бўғзимга келди... Туни билан тиканга ағанагандек, тўлғаниб чиқдим...».

Ўрталарида севги достонининг бошланганига 40 йилдан ошиб борарди...

Маҳбубасини излаб, турли манзилларга адиб жўнатган шошилинчномалар матни ўз жозибаси ва эҳтирос кучи жиҳатидан Гюгонинг ҳамма бадиий асарларидан устунлик қилади.

Аёлнинг мағрур боши эгилди. У қайтаётганини билдириб нома юборди.

Ўша куни театрда адиб асарининг бош репетицияси мўлжалланган эди. Аммо Гюго кела олмаслигини, вокзалга бориб поездни кутиб олиши лозимлигини айтди. Поезд тўққиздан бешта ўтганда келди. Гюго эса нонушта ҳам қилмай, ўнта кам саккизда вокзалда ҳозиру нозир бўлди. 70 ёшли мумтоз адиб, Оврўпо адабиётининг оқсоқол дарғаси тоқати тоқ бўлиб, тош ётқизилган кафтдек йўлкада нари бориб бери келиб турди. Бир су*га бўрсилдоқ нон сотиб олиб, ўткир тишлари билан узиб зўр иштаҳа билан ея бошлади. Кутиш асносида у ноннинг ярмини паққос туширди...

Жюлетта етмишни қоралаб қолган эди, лекин севги ёш танлармиди? Янги 1883 йилнинг биринчи куни Гюго аёлдан қисқагина табрик хати олди. Ўлим тушагида ётган аёл ўзининг сўнгги мактубини битганди:

«Азизим, севимли маҳбубим. Келаси йил худди шу он, худди шу сонияда қисмат мени қаерларга суриб юборишини билмайману аммо ўтган йилнинг шаҳодатномасини дилим бахт ва ғурурга тўлган ҳолда ифодалай оламан: Сени севаман!

Жюлетта».

Улар ўртасидаги севги достонининг бошланганига 50 йил тўлаётган эди...

**Рус тилидан Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА таржимаси.**

*бюро* — жавонга ўрнатилган йиғма ёзув столи.*

** Франсия пул бирлигидаги майда танга.*

# ФИЛМЛАРДА СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига республикамиз киноижодкорлари ҳам жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. «Темур ва темурийлар даври ҳамда бугунги мустақиллик дамлари акс этган 40 та илмий-оммабоп, ҳужжатли ва бадиий филмлар суратга олиниши керак. «Шу кунгача 10та ҳужжатли ва битта бадиий филм тайёрлаб, намойиш этилди, — дейди филмларнинг бош муҳаррири Фарҳод Мусажонов. — Уларни суратга олишда асосан, Бўрибой Аҳмедов, Абдулла Орипов, Алибек Рустамов, Саидбек Ҳасанов, Фозила Сулаймонова каби муаллифлар асарларидан фойдаланилди».

Яқинда Бўрибой Аҳмедов, Абдулла Орипов асарлари асосида «Буюк Амир Темур» номли бадиий филм тайёрланди. «Юбилейга бағишлаб суратга олинаётган филмлар туркумини яратишда республикамизнинг таниқли режиссёрлари Мэлс Абзалов, Нозим Аббосов, Фарид Давлатшин, Музроб Боймуҳаммедов ҳамда Ҳотам Файзиев бошчилигидаги операторларнинг ҳиссалари катта бўлаётир», — дейди филмлар туркумининг бадиий раҳбари Шуҳрат Аббосов.

Юбилейга туҳфа сифатида «Амир Темурнинг сиёсий ҳаётга кириб келиши», «Амир Темур ва Мустақил Ўзбекистон», «Темур тузуклари», «Мирзо Улуғбек», «Темур даври ёдгорликлари», «Амир Темур даврида тил ва адабиёт» каби ўнлаб илмий-оммабоп, ҳужжатли филмлар суратга олинди.

Буюк соҳибқирон юбилей тантаналари нишонланиш кунларида юртимиз киноижодкорлари томонидан суратга олинган филмлар, шубҳасиз, катта совға бўлади.

**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ**

## ҲУРМАТЛИ ЁШ ИЖОДКОРЛАР!

**Шу йилнинг 18 октябр соат 17.00 да «Камолот» жамғармаси бошқаруви ҳузуридаги «Ёш ижодкорлар клуби» ўз ишини бошлайди.**

**Клуб ўзининг биринчи йиғилишида низом лойиҳасини муҳокама қилади ва тасдиқлайди. Шунингдек, ташкилий масалалар ҳам кўрилади. Клуб аъзоларининг ижоди радио, телевидение ҳамда «Туркистон», «Ёшлик», «Ёш куч» ва «Сирли олам» журналларида кенг ёритилади.**

**Клуб аъзоларининг сара асарлари китобча ҳолида қисқа вақт ичида «Камолот» жамғармаси ҳомийлигида нашр этилади. Клуб ишида 33 ёшгача бўлганлар иштирок этишлари мумкин.**

**Клубнинг биринчи мажлиси ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг етти йиллигига бағишланади.**

**Клубга аъзо бўлишни истасангиз, марҳамат!**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй.**

**«Камолот» жамғармаси бошқарувининг маънавият ва маърифат бўлими. Телефон: 41-00-83, 41-08-61.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика маркази ҳамда Аброр Ҳидоятов номидаги ёшлар театри жамоалари Ўзбекистон халқ артисти

**Ҳамрохон ОМОНОВА**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт Жамғармаси уюшма аъзоси Фароғат Камоловага отаси

**Икром КАМОЛОВ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

# ЧОЙХОНАНИНГ ТЎРИДА БУГУН — «ТАБАССУМ»

Якшанба бўлса, қўлим радионинг қулоғига югуравера-ди. Нега десангиз, ҳар якшанба қирчиллама ёшдаги оғам «Табассум» белини боғлаб хизматга туради. Бир ёнига ҳажвиячиларни, бир ёнига қизиқчиларни, рўпарасига созандаю хонандаларни олиб, дунёга кулгу улашади, хуш кайфият тарқатади.

Ҳар ҳафтада шу аҳвол. Йилига роппа-роса эллик икки марта, беш йилда — икки юз олтмиш, ўн йилда... Уҳу, «Табассум»дан чеҳрасига табассум инмаган зот қолмабди ҳисоб!

Халқнинг бир гапи бор: йигитлик ёшидур асли йигирма, эсинг бўлса, зинҳор ўттизга кирма. «Табассум» акам ўттизга кирайми-кирмайми, деб бош қашлаб ўтирибди. Ҳали қирққа кириб қирчиллайсиз, оға, эллик-беллик бўласиз, олтмишдан ошиб, саксондан сакраб, юз билан юзлашасиз. Ана шунда, худо хоҳласа сиз билан тағин ўйнаб-кулиб юзлашамиз.

Бугун эса бир пиёла кўк чой баҳонасида қиттай-қиттай...э, йўғ-е, бир шингил чақчақлашсак. Хуллас чойхонанинг тўрида бугун — «Табассум».

**ШУМ БОЛА.**

# ТУШУНГАН ЙИГИТ ЭКАНМАН

Одатдагича ишларга кўмилиб, хуноб бўлиб ўтиргандим, бир кампир кириб келди. Ўзимни қўлга олиб юзимда табассум пайдо қилдим.

— Э, келинг, холажон, келинг.

— Ассалому алайкум, болам, — кампир елкамдан олиб кўришди-да, стулга ўтириб ҳол-аҳвол сўрай кетди. — Соғ-саломатмисан? Эшикэлинг тинчми? Бола-чақанг омонми? Илоё омин, ўтирган ўрнинг йўқолмасин, сенга қасд қилганлар паст бўлсин, тупроқ ушласанг олтин бўлсин, омин, облоҳу акбар!

Юзимга фотиҳа тортиб унга юзландим:

— Хуш келибсиз, хола. Хўш, хизмат?

—Ўғлимнинг ойлиги масаласида келувдим...

— Ўғлингиз бизда ишлайдими?

— Йўқ, автобазада шопир. Бир ойдан буён уйда кўрпатўшак қилиб ётибди, касал, ишга чиқмайди.

Тушундим, кампир адашиб келган. Шундай бўлса-да:

— Қўйинг, ҳафа бўлманг, ўзи саломат бўлса иш топилади, — деб ҳамдардлик билдирдим.

— Чолим урушда ўлиб кетган, — кампир ҳиқиллаб давом қилди.

Мен пенсиядаман. Келиним колхозда ишлайди. Кўпдан буён пилла боқамиз, пулидан дарак йўқ. Худо хайрингни берсин, болам, ўғлимнинг пулини ундириб бергин. Қарасам, гапи тугамайдиган. Дангал мақсадга ўтдим:

— Сиз адашиб келиб қолибсиз. Бу ер тайёрлов идораси. Биз мева-чева, сабзавот-полиз маҳсулотларини аҳолидан олиб, керакли жойларга етказиб бериш билан шуғулланамиз. Сизни ўғлингиз бўлса, шофёр, автобазада ишлайди...

У гапимни шартта бўлди:

— Ўғлимнинг касаллиги тўғрисида қишлоқ дўхтиридан маълумотнома ҳам олиб келганман. Менга раҳминг келмаса ҳам келинимга раҳминг келсин болам. Тилипон қиласанми, чақириб айтасанми, бир иложини қил, айланай.

Андак аччиғим келди, аммо ўзимни босдим.

— Аҳволингизни тушуниб турибман, хола, сизам мени тушунинг-да. Бу ер тайёрлов идораси. Мева-чева, сабзавот-полиз маҳсулотларини аҳолидан олиб, керакли жойларга жўнатамиз. Ўғлингизнинг ишига бизнинг идорани умуман дахли йўқ. — Маҳалла кўмитасидан бешта боласи бор деган қоғоз ҳам олиб келганман. Мана, ўқиб кўргин болам. — У қоғоз узатди. — Мен бир пенсиядаги одам бўлсам, чолим урушда ўлиб кетган. Ўғлим...

Юрагим сиқила бошлади.

— Уфф! Тушуняпман аҳволингизга. Сиз колхозга ёки ўғлингиз ишлаган корхонага бориб арз қилишингиз керак. Бу ер тайёрлов идораси. Мева-чева, сабзавот-полиз...

— Арз қилиб бордим иковигаям. — Кампир ҳам бўш келмади, — қулоқ солишмади. Мановини ўқигин, болам.

— Яна нима бу? — юрагим ўйнай бошлади.

— Келинимни колхозда ишлаши ҳақида қоғоз. Раисимизнинг ўзи қўл қўйиб, муҳр босган. Айланай сендан, болам, керак бўлса жамоадан ҳам қоғоз қилдириб, обкеб бераман. Менга раҳминг келсин. Пенсионер одам бўлсам. Чолим урушда...

— Раҳмим келяпти, холажон, — ўзимни тутолмай бўғила бошладим. — Ахир бу жой тайёрлов идораси, айланай хола. Мева-чева, сабзавот-полиз маҳсулотларини олиб, керакли жойларга жўнатиш билан шуғулланадиган идора бу, тушунинг, жон хола. Ўғлингизнинг иши юзасидан менга мурожаат қилишингиз консерва заводига ёки дорихонага кириб заксимизни бекор қилиб беринг, ажрашмоқчимиз дегандай, гап, холажон.

— Йўқ, болам, сен яхши тушунмабсан. — кампир таъкидлаб менга тушунтира кетди. — Келиним ажрашмоқчи эмас. Ўн беш йил рўзғор қилиб, ярим жон бўлганда ташлаб кетадими шўрликни... — Йўқ, мен айтмоқчиманки, — деб оғиз жуфтлагандим, кампир қўймади.

— Заксларидан кўнглинг хотиржам бўлсин. Қонуний бўлган. Ишонмасанг Қосим аравакашдан сўра. Машинасида олиб бориб ўтказиб келган заксдан.

Кампирнинг «ўтлаб» кетаётганини кўриб эътироз билдирмоқчи бўлдим.

— Сиз мени тушунмадингиз. Мен...

—Худога шукур, ўғлим шунча ётган бўлса дорихонадан қарз бўлганим йўқ, пенсиям билан эплаяпман. Кейин келиним консерва заводида эмас, колхозда ишлайди, деяпман, тушуниб олгин. Бешта боласи бор бечорани. Эри бу ёқда кўрпатўшак қилиб ётибди.

— Тушундим холажон, тушундим! — хунобим ошиб бошим лўқиллаб оғришни бошлади. — Бир ойдан буён ишга чиқмайди. Ўғлингиз. Ойлигини сўраб борсангиз беришмади. Ишдан ҳам ҳайдалибди. Энди сиз мендан ўғлимнинг ойлигини ундириб бер деб ўтирибсиз, тушунибманми?

— Ҳа, ҳа, болам, тушунибсан, — холам яйраб кетди. Ўз-ўзидан йиғлагим кела бошлади.

— Мен боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз, Сизам мени тушунинг-да энди, холажон. Бу ер ахир...

— Тайёрлов идораси; — у гапимни илиб кетди. — Аҳолидан мева-чева олиб, керакли жойга жўнатиш билан шуғулланасизлар, шундайми?

— Бор экансиз-ку, холажон, бор экансиз-ку! — кўнглим сал ёришди. — Шундай бўлгач мендан нима истайсиз?..

— Мен бир пенсиядаги аёл бўлсам. Чолим урушда ўлиб кетган. Ўғлим...

— Вой-вой-вой! — кўнглим тўлиб бақириб юбордим. — Ахир бу ер тайёрлов идораси, холажон. Мева-чева... Э! Мендан нима истайсиз, ўзи?

— Ўғлимнинг иш ҳақини ундириб бергин. Мен пенсиядаги аёл...

— Холажон, ахир бу ер — деб туриб тушунтириш бефойдалигини билдим-да, дангалига кўчдим...

Неча пул ойлик оларди ўғлингиз?

— Уйга саккиз юз сўмча олиб келарди...

Ёнимдаги бор пулни чиқардим:

— Мана тўққиз юз сўм. Энди қорангизни ўчиринг бу жойдан. Бўлмаса жинни бўлиб қоламан ҳозир.

— Раҳмат, раҳмат. Ётиғи билан тушунтирсангиз албатта ундириб беришади, деб айтишганди, алдашмаган экан. Ҳақиқатан тушунган йигит экансан. Умрингдан барака топ. Ҳа, айтмоқчи болам, ўғлимни қайта ишга жойлаштириш масаласида қачон келай?

— А?!

**Эгамназар СОДИҚОВ**

# ЎЗБЕКНИНГ ГАПИ ҚИЗИҚ...

Туп ҳамон майдон эгаларида. Ана, ҳозирги тўпни майдон эгалари калла билан тепиб киритишди.

(Спорт шарҳловчисининг шарҳидан).

* * *

Бўш қўл, оч қорин билан келавердик, эгачи, айбга буюрмайсиз!

(Қудахоланинг узри).

* * *

«Қуруғи»дан олиб кел десам, туршак олиб келибди, номард!

(Домланинг хасратидан).

* * *

Ким ёзилмади?! Мактабдан келганлар ҳозироқ ёзилсин!
(Маорифчилар йиғилишидаги мурожаат).

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ**

# ...АВТОБУС БОРГУНЧА КЕТГАЙМАН

**(Қўқонда яқин беш йилдан буён кўринмай кетган ўн иккинчи автобусга бағишлов)**

Саҳарлаб янги Чорсуда кўзимни йўлга тутгайман,
Укамлар қиз кутар, ман-чи «ўн иккинчи»ни кутгайман.

Гузар гавжум, биров сутга, биров қаймоққа етмайди,
Соатга термулиб, дейман: «Қачон гўридга[1] етгайман?!».

Келур ўн беш, ўн олтинчи мошинлар, ўн икки келмас,
«Келинг навбат билан!» — деб автобусларга гап отгайман.

Кейин шошганча Чалчиқдан[2] Қаландархонага[3] юргач,
Чунонам ҳовлиқиб, ҳатлаб Кўқонсойдан ҳам ўтгайман.

Нуроний Ўрда[4]га келгач, нафас ростлаб олурман бор,
Хиёбон[5]да қувонганча ўзимни ҳам унутгайман.
Чидаёлмайди импорт туфли ҳам бундай «саёҳат»га,
Ахир кечга томон шу йўл билан ортимга қайтгайман.

Муяссар бўлмаса, кооператив таксига чиқмоққа
Олиб бошим Афанди, автобус боргунча кетгайман.

**Малик АФАНДИ.**

[1] **Гўрид (город)** — янги шаҳар маъносида (шева).
[2,3] **Чалчиқ, Қаландархона** — Хўқанди латиф гузарлари.
[4] **Ўрда** — кўҳна Худоёрхон ўрдаси.
[5] **Хиёбон** — Озодлик хиёбони.

*«Табассумнома»дан томчилар*

## ИККИ ТАБАССУМ ВАСФИДА БИР ТЎРТЛИК

(ҳазиломуз муқаддима)

Кимгадир ёқар ханда, ким қаҳқаҳа шайдоси,
Мен учун йўқдир асло Табассумдан аълоси!
Ёнимда ул Табассум, ёнимда бул «Табассум» —
Иккисин севдим бирдай, севгимнинг йўқ адоси!

## БУЛ «ТАБАССУМ» ТАВСИФИДА

(мувашшаҳ)

**Т**ўрт тарафга хушбўй таратиб,
**А**трин сочган атиргул мисол,
**Б**аҳор янглиғ кўнглим яйратиб,
**А**ста имлаб тутгандайсан бол.
**С**ен — севинчлар гуллаган мавсум,
**С**ен бор жойда бўлмас хасрат-ғам.
**У**ч, парвоз қил, яшна «Табассум! —
**М**ен севган гул, мен севган санам!

## УЛ ТАБАССУМ ТАЪРИФИДА

Кундай кулиб яйрар дилим, у бор жойда,
Бурро бўлиб сайрар тилим, у бор жойда.
У — эзгулик, у — ҳарорат тимсолидир,
Қуёш тафтин туяр эдим, у бор жойда.

Шул жиҳатдан танлаганим ул Табассум —
Чеҳраларда кулиб турган гул Табассум-
Уни севган бир мен десам, ҳавас айлаб,
Ул табассум исмин олмиш бул «ТАБАССУМ!»

**Тўлан ҚЎЗИБОЙ**

# АЙБ ЎЗИДА

**КИЧИК ТОМОША**

**Ошхона. Ошпаз кийимидаги Абдухолиқ Болтавойни кутиб олмоқда.**

АБДУХАЛИҚ. Ие, ие, ие! Келинг, укагинам, келинг! Қадамларингизга ҳасанот. Бир келибсиз-да, бир келибсиз. Нима танавул қиладилар?

БОЛТАВОЙ. Қанақа овқатларингиз бор?

АБДУХОЛИҚ. Овқатларнинг маликаси шавлахону, полвони шашликвой. Қайсинисидан олиб келишсин?

БОЛТАВОЙ. Малол келмаса битта шавла-ю икки дона шашлик.

АБДУХОЛИҚ. Бажонидил, укагинам, бажонидил. Сиз ейман дейсиз-у бизга малол келармиди! Таомларимизни емабсиз — дунёга келмабсиз. Оғзингизни уч кун чайқамай юрасиз, бўлмаса мазаси кетиб қолади. (четга) Ҳов, Остонақул, битта шавла, икки дона бозиллаб турганидан, тез! Чой ҳам ичарсиз? Кўкми, қора?

БОЛТАВОЙ. Иложи бўлса кўкидан, аччиқроқ бўлсин.

АБДУХОЛИҚ. Хўп, хўп.

**Остонақул овқат ва кабоб олиб киради.**

— Мана, укажон, овқатни еб туринг, чойни ҳозир ест қилади.

БОЛТАБОЙ. (овқатга тикилиб). Ие, муллака, кечирасиз-у шавлангиз унча ўхшамай турибди-да. Адашиб совиб қолган маставанинг тўппасини олиб келишмабдими?

АБДУХОЛИҚ. Оғзингизга қараб гапиринг, укагинам. Шу ёшга кириб мастава билан шавланинг фарқига бормаймизми? Мастава суюқ, шавла қуюқ бўлади. Мана, қаранг, қуюқ, ёғлиққина! (шивирлаб) Бу дейман, укагинам, унча-мунча отиб турадиларми дейман-а?

БОЛТАВОЙ. Ҳа энди, унча-мунча тўйларда, байрамларда олиб турамиз.

АБДУХОЛИҚ. Ана, укагинам, иллатнинг боши қаерда. Ичкилик одамни бебурд қилади — бир, юракни ишдан чиқаради — икки, асабларни бузади — уч, эртасига бошни оғритиб, оғизни бемаза қилади — тўрт! Қани, шавладан бир қошиқ еб кўрсинлар-чи? Енг, енг! Қалай, бемазами? Яшанг! Ичавериб маза билиш сезгисидан ажралибсиз, укагинам. Бу шавланинг ранги қанақа?

БОЛТАВОЙ. Оқишроқ...

АБДУХОЛИҚ. Ана, ранг билиш сезгингиз ҳам ишдан чиқибди. Ҳозир бу овқатнинг ранги қизғиш десам, мен билан ёқалашасиз, тўғрими?

БОЛТАВОЙ. Оқ нарсани қизил деб турсангиз...

АБДУХОЛИҚ. (гапини бўлиб). Камроқ ичиш керак, укагинам, камроқ. Чекиб ҳам турарсиз, ҳойнаҳой? Чекасиз, рангингиз айтиб турибди, эътироз билдирмай қўяқолинг. Шунинг учун сал нарсага асабийлашяпсиз, укагинам. Қани, шавла маъқул келмаган бўлса, шашликдан олинг-чи...

БОЛТАВОЙ. (кабобни олиб оғзига олиб боради, тиши билан тортади, узилмайди). Ака, бу шашликни резинкадан тайёрлаганмисиз деймана?

АБДУХОЛИҚ. Уйлаб гапиринг, укагинам, нақд олти яшар новвосчанинг чап сонидан тайёрлаганмиз-а! (шивирлаб) Бу дейман, укагинам, туфлингиз сиқадими дейман-а?

БОЛТОВОЙ. Йўқ, ака.

АБДУХОЛИК. Ечинг, бир кўрай! (туфлисини ечиб олади, қўлида ушлаб) Ана, айтмовдимми сиқади деб! Сиз қирқ бир олибсиз. Бу сафардан кейин қирқ уч ё қирқ тўртинчи туфли кийинг!

БОЛТАВОЙ. Ие, ака, бу шашликка мени туфлимнинг нима алоқаси бор?

АБДУХОЛИҚ. Жуда алоқаси бор, укагинам. Туфли сиқдими, тамом. Аввалига асабингиз бузилади. Асаб бузилдими, тишни-тишга босасиз. Ўз-ўзидан тишлар ишдан чиқади: ўтмаслашади, синади, тушади. Мана бунинг ёрқин мисолини кўриб турибсиз: кучқорнинг думба ёғидан килкиллаб турган гўштга ҳам тишингиз ўтмай резинкадан тайёрланганми, деб турибсиз.

БОЛТАВОЙ. Мана, ўзингиз бир еб кўринг, резинка эканлигини биласиз!

АБДУХОЛИҚ. Бемалол. Менинг туфлим сиқмайди, демак, тишларим мустаҳкам. Қани бу ёққа узатиб юборинг-чи, шашликни. (Олади. Чайнайди, чайнолмайди. Қўл билан тортиб узмоқчи бўлади, узолмайди) Мана ҳозир, ҳозир. Буни яхшиси оғизга солиб ғарч-ғурч қилиб ғажиб қўяқоламиз. Мана, мана (Икки-уч бор ютинади, тиқилади, бир илож қилиб ютади) Ана, ёғдай силлиққина ўтиб кетди. Чой сизникими? (пиёла узатади) Ичинг, бизам бир пиёла қуйиб юборайлик.

БОЛТАВОЙ. (пиёлани қўлида айлантириб) Вой-бўй, ака, бу пиёла заводдан чиққандан буён ювилганми ўзи? Орқа-олдига қараб бўлмайди-ку!

АБДУХОЛИҚ. Бу дейман, укагинам, газета-журнални кўп ўқийсизми-а?

БОЛТАВОЙ. Ҳар ҳолда ўқиб бораман, нимайди?

АБДУХОЛИҚ. Ана айб қаерда! Кўзни ишдан чиқариб қўйибсиз-ку! Оппоқ пиёла ҳам кўзингизга кир-чир кўриняпти. Менга қаранг-чи! (кўзларини йириб қарайди) Худди айтганимдай, кўзингизга парда тушибди. Ўша парда оққа қараганингизда доғ бўлиб кўринаверади энди. Мени мана бу (кир-чир халатига ишора қилади) халатимга қаранг-чи, ҳаммаёғи доғ-дуғми?

БОЛТАВОЙ. Ҳа, доғ-дуғ!

АБДУХОЛИҚ. Мана бу елкамдаги қордай оппоқ сочиқ ҳам кир латтадай кўринаётгандир-а? Кўз кетибди, укам, кўз! Чойдан ичинг, чойдан. Кўк чой кўз фаолиятини яхшилайди, мен сизга айтсам.

БОЛТАВОЙ. (чой ҳўплаб) Ака, бу чойми ё...

АБДУХОЛИҚ. Ювиндими демоқчисиз-да! Бу галстукни ҳар куни тақасизми?

БОЛТАВОЙ. Ҳа, ҳар куни ишга келганда тақиб келаман. Буни чойга...

АБДУХОЛИҚ. Жуда дахли бор-да. Менинг шахсий кузатишларимдан аёнки, галстук таққанлар аксарияти ёмон кайфиятда юради. Бўйинни буғиб тургандан кейин... Ана, чамамда сизам буғиляпсиз, рангингиз ҳам оқаряпти. Бўшатинг галстукни. Ҳа яшанг! Тер босяптими? Ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз, бўтам: жуда сиқиб боғлаганга ўхшайсиз.

БОЛТАВОЙ. (жон холатда) Ҳа, сизда биттаям, биттаям айб йўқ! Ҳамма айб ўзимда! (чиқади)

АБДУХОЛИҚ. Баракалла, баракалла, тушунган йигит экансиз, қайтимини олмадингиз-ку! Ҳов укам! Раҳмат, раҳмат, келиб туринг. (орқасидан қўлини соябон қилиб узоқ қараб) Ие, ие, деворни ушлаб олиб қайт қиляптими? Ҳа, ўқчияпти. Ҳойнаҳой, оёғи терласа керак, ҳидига чидолмай кўнгли беҳузур бўляпти, айб ўзида!

**Алишер ШЕРМАТОВ**
**Бувайда тумани**

# АВВАЛ ЎҚИНГ, КЕЙИН...

Ҳажвия эмас



Хамир қорадиган тоғора борми? Ҳа, баракалла. Бўлмаса бошладик.

Энг аввало, «бисмилло», дейсизу тоғорага бир фюжер Тошкент минерал сувидан қуясиз, андижонники бўлса ҳам бўлаверади. Ана ундан кейин бир пиёла чой билан (қанақа чойлиги аҳамиятсиз) аралаштирасиз. Ҳосил бўлган аралашма устига бир бурда патир ёки гижда нонни тўғраб ташлайсиз. Ундан кейинги бурдани қаймоқ ёки мураббога булаб соласиз. Устига бир пиёла иссиқ чойни тўкворасиз. Олой бозорида сотиладиган корейсча салатлардан танлаб-танлаб, бир ликопчасини ағдарасиз. Тобора қаппайиб бораётган қоришмага шу жойга келганда бир рюмка арақ қўшасиз, озроқ пишган гўшт, икки япроқ қази, бир бўлак тил, икки ўрам қорин ёки калла гўштидан олиб, уларни ҳам навбатма-навбат тоғорага ташлайсиз.

Шундан сўнг яна бир икки рюмка арақ, минерал сув, тузланган бодринг, агар топилса, озроқ сарёғ билан балиқ увилдириғи керак бўлади. Уларни ҳам тоғорага жойлаганингиздан кейин рюмкани яна араққа тўлдирасиз, тоғорага тўкасиз, аралаштирасиз, кейин эса бир шингил узум, бир-икки карч қовун (шакарпалак бўлса кўпроқ ҳам), икки кесим тарвуз, бир пиёла чой, ўн-ўн беш дона бодом, ярим ликопча ерёнғоқ ҳам тоғорага тушади. Улар билан бирга икки-уч рюмка ароқ ҳамроҳлигида икки қошиқ сузма, озроқ кўкат, бир пиёла олча компоти, 200 грамм «кока-кола», шунча «Фанта» тоғора тўридан жой олиши керак.

Шу ерга келганда сигаретани лабга аста қўндириб, тутунини зўр бериб тоғорага пуфлайсиз. Роса пуфлаб бўлганингиздан кейин қоришмани бир аралаштириб оласиз. Яъни тоғорани икки қўллаб кўтарасиз-да мусиқага мослаб диконглатиб ўйнатасиз. Кичик, нозиккина тоғорачаларга четини уриб-уриб қуйсангиз янада яхши. Беш-ўн минут тинимсиз ўйнатганингиздан кейин устига икки дона гўштлии, икки дона қовоқли сомсани майдалаб солворасиз, устидан бир коса шўрва тўкасиз. Шўрва олдидан бир рюмка арақ қуйиш эсдан чиқмасин.

Кейинги жараён қатъий равишда мана бундай кечади: бир рюмка арақ — иккита манти — бир фюжер минерал сув, бир карч тарвуз.

Бир рюмка арақ — тўрт кесим ҳасип — бир карч тарвуз, бир тишлам нон.

Бир рюмка арақ — иккита шашлик, бир фюжер сув...

Бир рюмка арақ — бир ошам ош...

Бир рюмка арақ — бир ошам ош...

Бир рюмка арақ...
Бир карч тарвуз...
Папирос тутуни...

— Бир рюмка...

— Э, тўхтанг-тўхтанг, тоғора тўлиб-тошиб кетди-ку!

— А, тошиб кетди, дейсизми?

— Тошиб кетиш ҳам гапми, бижғиб кетди. Сассиғига чидаб бўлмаяпти.

— Чидаб бўлмаяпти дейсизми? Э, ўлма, ошқозон!

## Телерекламалар




### «ХОН» СИГАРЕТАСИГА РЕКЛАМА

***Кашанданинг ғўри***
***бўлма, зўри бўл,***
***Эрта тонгдан***
***бурқсит,***
***гўё мўри бўл.***
***Соғлиқ дема,***
***бир-бирига улаб чек,***
***Ётиб чеккил, отиб***
***чеккил, қулаб чек.***
***Очиқсанг ҳам овқат***
***дема, нон дема —***

***«ХОН»дан тутат, ўзга «ХОН»ни «ХОН» дема...***



### АЙРОНГА РЕКЛАМА

*Экранда водийнинг гўзал манзаралари, пурвиқор тоғлари, фусункор яйловлари тасвири. Дилни қитиқловчи оромбахш мусиқа янграйди. Кадр ортидан сухандоннинг жарангдор, ширали овози эшитилади:*

*— Шоҳимардон сойлари. Тошдан тошга урилиб, жилғадан жилғага ўтиб, водий томон оқиб қайтган мусаффо сув. Бу сув чорвачилик фермаларида етиштирилаётган қатиққа қўшилиб Осиё саратонининг жонон маҳсулотига айланади. (Экран ортидан чапиллаган, тамшанган овозлар эшитилади).*

*— Андижон айронлари, Чинакам шарқона лаззат!*

### РЕКЛАМА ХУСУСИДА РЕКЛАМА

***Бир зумда энсангиз қотиб, пешонангиз тиришиб кетишини истайсизми? Бу сиз ўйлаганчалик мураккаб иш эмас. «Эколот» лотереяси рекламаларини беш-олти бор кўрсангиз бас, тамом-вассалом!***

***Эрталабдан то кечгача бир хилда такрорланавериб, бешикдаги болага ҳам ёд бўлиб кетган бу рекламалар ҳар қандай силлиқ пешоналарни ҳам тириштириб юборади.***

***Рекламалар сифатини яхшилаш мутлақо мумкин эмас, чунки улар АҚШда тайёрланган.***




### КИР ЮВИШ ПОРОШОГИГА РЕКЛАМА

***НАБИРАНГИЗ ШЎХМИ***
***ДЕЙМАН,***
***КИР БЎПТИМИ***
***ИШТОНИ?***
***ҲЕЧ ҚИСИ ЙЎҚ,***
***ТАШВИШЛАНМАНГ,***
***БОРДИР БУНИНГ***
***ИМКОНИ.***
***КИР СОВУННИ***
***ПИСАНД ҚИЛМАС***
***КИЙИМДАГИ ДОҒУ***
***ЧАНГ,***
***ИШТОНЧАНИ***
***«АРИЕЛУ»***
***«ГАЛА» БИЛАН***
***ИШҚАЛАНГ!***

**Аҳмад ОҒА**
**Рассом Н. НУРМОН**




МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир —Абдунаби ҲАЙДАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0570. Ҳажми — 4 босма табоқ. Тиражи—10843. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6